

(Қўлёзмадан кўчирма)
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«Маркетинг» кафедраси

Ҳимояга руҳсат этилди
факультет декани

«__» _____ 2013 йил

«Маркетинг» таълим йўналиши бўйича битирувчи

Дедахонов Ислоннинг

**“Бозордаги монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни
ривожлантириш самарадорлиги**

(Наманган вилояти мисолида)

мавзусидаги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Битирувчи: И.Дедаханов

Илмий раҳбар: и.ф..д., проф. А.Солиев

Кафедра мудири: и.ф.н., доц. Ғ.Мадияров

Наманган - 2013 й.

КИРИШ

I БОБ. Монополистик фаолият ва рақобат тушунчаларининг назарий асослари.

1.1 Монополистик фаолият турлари ва Ўзбекистонда уни чеклаш бўйича ҳуқуқий асосларини яратилиши.

1.2 Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» ги қонуни моҳияти ва аҳамияти.

1.3 Наманган вилояти иқтисодиётининг ривожланиши ва ундаги бозор субъектларининг тавсифи.

II БОБ. Наманган вилоятида Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш тавсифи.

2.1 Худудий бошқарманинг ташкилий тузилмаси ва низоми

2.2 Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя этиш бўлими фаолияти.

2.3 Монополистик фаолият кўрсатувчи корхоналарни давлат реестрига олиш ва улар фаолиятини назорат қилиш жараёни.

III БОБ. Наманган вилоятида истеъмол товарлари бозорида рақобатни ривожлантириш йўналишлари.

3.1 Корхоналар рақобатбордошлиги кўрсаткичлари таҳлили ва уларни янада ошириш йўллари.

3.2 Вилоят бозорларида рақобатнинг аҳволи ва уни ривожлантириш имкониятлари.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислох этиш, таркибий жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин”¹лиги устивор вазифаларидан бири этиб белгилаб берилди.

Рақобат — бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи энг асосий механизмлардан бири. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз товар ва хизмат кўрсатиш бозорларида рақобат муҳитини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, товар бозорларида мунтазам равишда таҳлиллар ўтказиш, рақобат муҳитининг ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уни ечимини топиш миллий иқтисодиётимизнинг ривожлантириш стратегиясининг асосини ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам рақобат ва монополия назариялари ва уларнинг илмий услубий асосини яратиш мамлакат иқтисодий тараққиёти даражасини таъминлашнинг бош масаласи деб қариш мумкун.

Ўзбекистондаги рақобатчилик муҳитини шакллантириш ва уни кенгайтириш чора – тадбирлари шундан келиб чиқадики, рақобат муҳити бўлмаса “... самарали инновациялар, паст харажатлар ва нархлар, маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш, бошқача айтганда, бутун иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкун эмас”².

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги 2011 йил якунлари ва 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг устивор вазифалари тўғрисидаги маърузаси”. Халқ сўзи.2012 й.20 январ 14 сон.

² И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислох этишдир. Т.; Ўзбекистон, 2005,76 б.

Шунинг учун, Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “**Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида**»ги қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг эътиборига олган ҳолда, «**Рақобат тўғрисида**»ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарурлигини эътироф этган ҳолда қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозимлигини белгилаб бердилар³. Бу қонун 2012 йил 6 январда қўлга кирди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб мамлакатимизни модернизациялаш ва иқтисодиётимизни таркибий жиҳатидан сифат босқичига кўтариш йўналишларини асосий мазмун моҳиятини рақобат ва монополия назариялари асосида унинг илмий - услубий асосини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси сифатидан келиб чиқиб ушбу мавзунинг долзарблигини асослаб беради.

Мамлакатимизда рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида бозор иқтисодиётининг барча механизмлари ва инфратузилмалари шакллантирилмоқда.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади Наманган вилояти бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш омилларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва рақобат муҳитини янада такомиллаштириш хусусиятларини услубий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти Вилоят бозорларидаги субъектлар фаолияти.

Битирув малакавий ишининг предмети Наманган вилояти бозорларидаги монополистик фаолият юритувчи субъектлар.

³ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. www.gov.uz

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимларининг мақолалари, шунингдек, иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолиятига доир қонунлар.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ишнинг хулоса ва тавсиялари хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси фаолиятида қўлланилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: кириш, учта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. Монополистик фаолият ва рақобат тушунчаларининг назарий асослари

1.1. Монополистик фаолият турлари ва Ўзбекистонда уни чеклаш бўйича ҳуқуқий асосларини яратилиши.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт ривожланиши асосида рақобат пайдо бўлади. Шу боис, рақобат муҳити шаклланиши бозор муносабатларига ўтган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруратдир, чунки соғлом рақобатга йўл бермай, иқтисодиётда рақобат муносабатларини ривожлантирмай туриб, бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир"⁴ - деб таъкидлайди. **Рақобат қонуни** – бозор тизимининг шундай иқтисодий қонунидирки, унга кўра иқтисодиёт субъектларининг ўз мақсадлари йўлидаги ўзаро кураши муқаррар бўлади, бу кураш бозорга хос усулларда олиб борилади ва субъектларни иқтисодий жихатдан сайланиб олишини юзага келтиради⁵. Шунинг учун рақобат муҳити бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади, иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатишга, товар ва хизматларни кўплаб, сифатли ва арзон нархларда ишлаб чиқаришга, бозорда фаолият кўрсатувчиларни янгиликка интилишга ундайди ва у барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Рақобат – мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мақеини мустаҳкамлаш учун кураш⁶ бўлиб у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

⁴ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Тошкент. «Ўзбекистон». 7-том. 1999. 393 -б.

⁵ А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси.Т.Шарқ. 2006 й. 20 б.

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўз.М.Эн.Т.2006.8 ж. 265 б.

Рақобат ишлаб чиқарувчилар учун бозорда ўз ўрнини эгаллаш, товарларни сотиш бўйича улушини кўпайтириш ва доимий ҳаракатда бўлишини ифодаловчи иқтисодий механизмдир. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунида **“Рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истесно этади ёки чеклайди”**⁷ деб таъриф берилган.

Рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди. **Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади.** Рақобат- таклиф талабдан ошиб кетганда ва бу одатдагидек, фирмалар ўртасида эмас, товарлар ўртасида юзага келган шароитда зарур ҳодиса.


Рақобатнинг вазифаси- бир хил талабни турлича қондириш мумкинлигидан юзага келади ва улар қуйидагилар:

- 1) тартибга солиш вазифаси;
- 2) ресурсларни жойлаштириш вазифаси;
- 3) инноватцион вазифа;
- 4) мослаштириш вазифаси;
- 5) тақсимлаш вазифаси;
- 6) назорат қилиш вазифаси.

Рақобатнинг **тартибга солиш вазифаси** ишлаб чиқаришни талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида таклифга таъсир ўтказишдан иборат; ресурсларни жойлаштириш вазифаси ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, ҳудуд ва минтақаларга оқилона

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи. 2012 йил 7 январ. №5-сон.

жойлаштиришдан; инноватцион вазифаси эса фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий этилишини; мослаштириш вазифаси корхона (фирма)ларнинг ички ва ташқи муҳит шароитларига ратционал тарзда мослашишига йўналтирилган; тақсимлаш вазифаси ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи хажмининг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказади; ниҳоят, рақобатнинг назорат қилиш вазифаси бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтирилади.



1-чизма. Рақобатнинг шакллари.

Эркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлиб улар тармоққа эркин кириши, уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Шунингдек, уларга бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Соф монополияда тармоқ битта фирмадан иборат бўлиши сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яккахукмронлик шаклланади.

Монополистик рақобат ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар.

Олигополия – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг енг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Шу ўринда монополия ва монополистик фаолият назарияси бўйича тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Монополия – иқтисодиётнинг бир соҳасида танҳо ҳукмронлик; бозорни ташкил этиш шакли. Бундай бозорларда ягона сотувчи ўз товари билан фаолият кўрсатади, бошқа тармоқларда бундай товарларнинг ўринбосари бўлмайди⁸. Монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналарнинг бирлашмалари бўлиб, бу шу бозорда маҳсулот ва хизматларнинг яқин ўринбосарлари бўлмаган шароитда амал қилади. Монополистик рақобат номукамал рақобат шароитида бозорда озчиликдан иборат бозор субъектлари чекланган тарзда ва хилма –хил усуллар билан юз берадиган жараёндир.

Соф монополиянинг асосий тавсифловчи белгилари қуйидагилар орқали намоён бўлади:

1. Тармоқда ягона сотувчининг мавжудлиги.

⁸ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўз.М.Эн.Т.2006.7 ж. 77 б.

2. Яқин ўринбосар маҳсулот ва хизматларнинг мавжуд эмаслиги.

Соф монополиянинг вужудга келишининг асосий сабаби – унинг маҳсулотининг яхши ва яқин ўринбосарлари мавжуд эмаслигидир. Натижада харидор учун танлов имконияти мавжуд бўлмай, у мазкур маҳсулотни монополистдан сотиб олмаган тақдирда умуман ундан воз кечишига тўғри келади.

Агар соф рақобат шароитида ишлаб чиқарувчи мавжуд нархларга «кўникишга» мажбур бўлса, соф монополия шароитида ишлаб чиқарувчи барча таклиф хажмини белгилаб берганлиги учун нарх устидан тўлиқ назоратга эга бўлади.

Соф монополист учун рақобатчиларнинг мавжуд бўлмаслиги тармоққа кириш учун маълум иқтисодий, техник, ҳуқуқий ва бошқа турдаги тўсиқлар қўйилиши билан изоҳланади. Бу тўсиқлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1) ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши натижасидаги тежамнинг вужудга келиши.

2) жамоат фойдаланиши корхонаси кўринишидаги табиий монополиялар.

3) патент ва литцензиялар кўринишидаги ошкора тўсиқлар.

4) хомашёнинг муҳим турларига мулкчиликнинг ўрнатилиши.

5) ғирром рақобат.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари: пўлат, мис, алюминий, кўрғошин, темир ва шу кабилар – физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва олигополия шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмол товарлари: автомобиллар, ювиш воситалари, сигаретлар, маиший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашган олигополия ҳисобланади.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартира олмайди.

Биз қараб чиққан рақобат шакллариининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

Ҳозирда турли даражадаги монополистик тузилмалар ривожланиб бориши билан улар ўртасидаги рақобатнинг шакллари ҳам турли кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Жумладан, **турли монополлашув даражасидаги тузилмалар ўртасида мавжуд бўлишига кўра** қуйидаги рақобат турларини ажратиш мумкин:

- 1) монополлашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат;
- 2) монополиялар ҳамда монополистик бирлашмаларга кирмаган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат;
- 3) турли монополиялар ўртасидаги рақобат;
- 4) монополистик бирлашмалар ўзининг ичидаги рақобат.

Рақобат ўз миқёсига кўра икки турга – тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Тармоқлар ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, кўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Бунда нархлар ва шунга мос ҳолда фойда нормасига пасая бошлайди. Кам фойда келтирувчи

тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа киритилмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртача фойда нормасига «бараварлаштиради».

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда ғирром ва ҳалол рақобатлашув усуллари ҳам ажратиб кўрсатилади. Ғирром рақобат ноиқтисодий усулларидан фойдаланиш, қонун доирасидан чиққан ҳолда амал қиладиган рақобат. Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган, иқтисодий усулларни қўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига эришишда умумжамят манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланади.

Рақобат курашининг икки усули **нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат** мавжуд.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларининг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Нарх рақобат курашининг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини енгиш учун нархни пасайтириш усулидан фойдаланишлари мумкин. Демак, нархни ўзгартириб туриш усули рақобатда кенг қўлланилади.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-этибори ҳисобланади. Бу

ҳозирги глобал иқтисодиёт шароитида амал қилмоқда ва унинг назарий ва илмий асослари кенгайиб турли шаклларда намоён бўлмоқда.

Нархсиз рақобат усуллари юзага чиқиши **маркетинг** орқали ҳал этади, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўрганган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий бекарорлик даврларида ҳам нарх барқорлигича қолаверади.

Рақобатнинг асосий қуроли- талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш. Харидор бирон-бир товарга устунлик бериши зарур, шунинг учун ўз танловига амалда ишонч ҳосил қилиши лозим. Зарур ахборот ишлаб чиқарувчидан реклама орқали олади.

Харидор ёки бу буюмнинг фойдалилиги, яъни истеъмол қиймати қизиқтиради. Харидор истеъмол қийматига ишонч ҳосил қилиши учун товарни ишлатиб кўриши лозим, кўпинча бунинг учун «синаб кўришга» берилади.

Рақобатчиларнинг ноқонуний усули-товарни ўзлаштириш, анча паст сифатли ўхшаш маҳсулот чиқариш.

Агар ўз рақиблар имкониятини ва бозор вазиятини ўзлаштиришга таъсир этишга хос бўлган усулини билмасанг, рақобатда муваффақиятга кўз тутиш мумкин эмас.

Монопол ҳукмронликни чеклаб туришда монополияга қарши қонунчиликнинг ўрни, жумладан, табиий монополиялар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши масалалари муҳим ҳисобланиб Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши қонунчиликда бу масалага алоҳида этибор қаратилади.

Товар хўжалиги эндиgina ривожланаётган пайтда рақобатчилик иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнамаган. Чунки у жамиятда ноиқтисодий чеклашлар, рақобат учун ёпиқ соҳалар бўлган эди. Рақобатнинг амал қилиши учун маълум шарт – шароитлар муҳайё бўлишини талаб этади. Рақобат фақат бозор иқтисодиёти муҳитидаgina бўлиши мумкин. Чунки шундаgina у зарурийат бўлади. Бозор тизими учунgina рақобат объектив зарурийат бўлади. Бозор иқтисодиётининг вужудга келиши билан айна бир вақтда рақобат шаклланади.

Рақобат ва унинг назариясига дунёдаги кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилиб унинг илмий назарий асослари яратилиб такомиллаштирилиб келинмоқда.

Рақобат назарияси асосчиларидан М.Портер кўпроқ иқтисодий кластер тушунчасининг оммалаштирувчиси сифатида маълум бўлиб, компаниянинг рақобатбардошлиги, кўп жихатдан, унинг иқтисодий муҳити билан боғлиқлигини кўрсатиб берган. Иқтисодий муҳит эса, ўз навбатида асосий шароитлар (умумий ресурс) ва кластер ичидаги рақобат билан белгиланишини асослаган. М.Портер рақобатбардошликни таҳлил қилишнинг тан олинган услубини ишлаб чиқди, шунингдек, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги (арзон меҳнат каби “бирламчи омиллар” босқичидан тортиб, инновация асосидаги рақобат ва сўнгги босқич – бойлик асосидаги рақобатгача) ўсиши босқичларини баён қилиб берди. М.Портернинг фикрига кўра, мамлакат ичида рақобат қанчалик ривожланган ва ҳаридорларнинг талаблари юқори бўлса, бу мамлакат компанияларининг ҳалқаро бозордаги муваффақиятга эришиш эҳтимоли шунча юқори бўлади ва аксинча, миллий бозордаги рақобатнинг кучсизланиши, қоидага кўра, рақобатбардош афзалликларининг йўқотилишига олиб келади деган назарияларни илгари сурмоқда.

Назарий жихатдан А.Смит бозордаги “кўринмас қўл” деб таърифлаган рақобат, хусусий ва ижтимоий эҳтиёжларни мувофиқлаштириш ҳамда

меҳнат ва капитални оптимал тақсимланиши мақсадида фойда нормаларини тенглаштириш омили сифатида қаралишини ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқоти”да асослаган. Унинг тарифи бўйича фойда кетидан қувиш ва рақобат бутун жамиятга наф келтирувчи фаолият деб қараган.

Пиер Буагелберг эса товарлар бозорида ҳақиқий қийматга эга бўлиш ва иқтисодиёт фақат **“эркин рақобат”** шаоитидагина муътадил бўлишини асослаб берган. Олимнинг асосий асари шу ғоя билан боғлиқ бўлиб унинг “бозордаги нархларни муътадиллиги ёки оптимал баҳолар”ини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида рақобат эркинлигининг стихиялик равишда таркиб топиши билан боғлиқлигини кўрсатиб берган.

Ф.Кене эса "Табиий тартиб" концепциясини илгари суриб, ўз даврида пайдо бўлаётган, мустаҳкамланаётган капитализм концепциясини мақуллаб бундай шароитда унинг ривожланиб боришини “эркин рақобат”га асосланишини, бунда эса бозор баҳосининг стихияли ўзгариши, давлатнинг бу жараёнга аралашувини инкор этилишини қўллаб-қувватлади.

Юқоридаги назарий қарашлар бозор муносабатлари шароитини эркин рақобатга асослаган ҳолда уни ривожланиб боришини таъминловчи восита эканлигини тасдиқлаб берди.

Бозор иқтисодиётининг шаклланидаги классик йўл Ғарб мамлакатларида бўлиб, у ерда рақобат муҳити узоқ йиллар мобойнида, давлатнинг иштирокисиз, ўз-ўзидан яъни стихияли равишда юз берган. Шу йўсинда эркин рақобат пайдо бўлган. Бироқ иқтисодиётда монополашув тенденциялари пайдо бўлиши билан эркин рақобат чекланди, шу сабабли соғлом рақобат муҳитини яратишда давлат ҳам қатнашади. Сабаби рақобатлашув муҳити А.Смит ва бошқа олимларининг назариясига асосан мамлакатда эркин рақобат муҳити пайдо бўлгандагина бозор иқтисодиёти шаклланади ва ривожланади. Буни давлатнинг антимонопол сиёсатида кўришимиз мумкун. Бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратишга

эмас, балки уни сақлаб қолишга, кези келганда қайтадан тиклашга, рақобатнинг маданийлашган усуллари қарор топтиришга қаратилади. Давлатнинг хусусий монополияларни чеклашга қаратилган тадбирлари 1890 йилда АҚШда қабул қилинган “Шерман қонуни” бўлиб, у тарихда “антитрест” қонуни деб ном олган.

Монополия ҳолати тармоқдаги ишлаб чиқаришнинг аҳамиятли қисмини эгаллаб олиш, бозорларни бўлиб олиш ва нарх даражаси тўғрисида яширин ва ошқора келишувлар, сунъий тақчилликларни вужудга келтириш ва бошқа шарт-шароитлар асосида вужудга келиши мумкин. Шунга кўра, АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатларида монополиянинг салбий кучларига маълум чекловлар киритишга қаратилган ҳаракатлари XIX аср охирларида авж ола бошлади.

Нисбатан мукаммал монополияга қарши қонунчилик сифатида АҚШ қонунчилигини кўрсатиш мумкин бўлиб, у 3та асосий қонундан иборат:

1. **Шерман қонуни** (1890 й.). Бу қонун орқали савдони яширин монополлаштириш, у ёки бу тармоқда якка назоратни қўлга киритиш, нарх бўйича келишувлар тақиқланади.

2. **Клейтон қонуни** (1914 й.). Бу қонун сотиш соҳасидаги маълум чеклашларни, нарх бўйича камситиш, маълум кўринишдаги бирлашувлар, ўзаро боғлиқ директоратларни тақиқлайди.

3. **Робинсон-Петмен қонуни** (1936 й.). Савдо соҳасидаги чекловларни, «нархлар қайчиси», нарх бўйича камситишларни тақиқлайди.

1950 йилда Клейтон қонунига **Селлер-Кефвер тузатиши** киритилди: ноқонуний бирлашиш тушунчаси аниқлаб берилди. Масалан, активларни сотиб олиш йўли билан бирлашиш тақиқланди. Агар Клейтон қонуни орқали йирик фирмаларнинг горизонтал бирлашмаларига чекловлар белгиланган бўлса, Селлер-Кефвер тузатиши вертикал бирлашувларга чек қўйди.

Монополияга қарши қонунчиликни амалга оширувчи давлат идоралари 2та ёндошишга асосланиши мумкин: - қонун талабларига қатъий амал қилган

холда, «оқилона ёндашув» принципи орқали. Масалан, Шерман қонуни талабига кўра, ҳар қандай иккита шерикнинг биргаликда иш юритиш борасидаги ҳаракатини қонунчилик томонидан таъқиб этилиши мумкин. «Оқилона ёндошув» орқали эса фақат савдонинг оқилона бўлмаган чекловлари таъқиб қилиниши мумкин.

Монополияга қарши қонунчиликни амалга ошириш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Давлат монополия ҳолатини чеклаш орқали айти пайтда рақобатга ҳам путур етказиб қўймаслиги лозим.

Шуниси ҳам муҳимки, трестга қарши қонунчилик йирик корпоратсияларга қарши қаратилмаган. Чунки корхоналарнинг миқёси ҳали уларни монополия сифатида талқин этиш учун асос бўла олмайди. Монополияга қарши тартибга солиш самарали рақобатга путур етказувчи, чекловчи амалиётга қарши йўналтирилган.

Монополияга қарши қонунлари асосан қуйидаги 3 йўналиш бўйича шаклланган:

1. Ишлаб чиқариш тизимини бошқарувчи қонунлар ёки улар моддаларини аниқ белгилаш. Бунга кўра ишлаб чиқарувчи корхоналар бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ярмидан ортиғини назорат қилишини таъқиқлайди.

2. Барча йирик корхоналар иштирокчилари бошқа корхоналарни акцияларини чекланган миқдоридан ортиғига эга бўла олмайди.

3. Нархларни талаб ва таклиф мувозанати белгиланган даражадан юқори ёки паст тутиб туришини, нарх хусусида келишиб олиншини ман қилувчи антикортел қонунларни жорий этиш. Картель деганда монополиялар ўртасидаги бозорларни бўлиб олиш ва у ердаги нархларни келишиб олиш юзасидан тузилган қисқа муддатли иттифоқлар тушунилади. Масалан бир тармоқда устун мавкега эга бўлган монопол 3-4 та субъектлар бозорни таъсир доирасини бўлиб олиб нарх- наво ҳақида келишиб оладилар. Нарх ҳамма ерда бир хил бўлади. Агар келишувлардан бирортаси битимни бузса,

яъни ўз товарларини ўзининг таъсир доирасидан бўлган бозорларда паст нархларда сотса уни бошқа истеъмолчилар ҳам келиб сотиб ола бошлайдилар. Бу эса корхонанинг янада фойда тушумларини ошириш имконини беради. Бу бошқа корхоналар махсулотларининг талабини паслашига олиб келади. Бу ҳолда картел битимини бузган корхонага шартномада белгиланган тартибда чора кўрилади. Шу сабабли картел катнашчилари шартномага каттиқ риоя этадилар. Бироқ бунда истеъмолчилар зарар кўрадилар.

Бозорда конюктура тез ўзгариб туради, уни ҳисобга олиш қийин жараён бўлганлиги сабабли монополияга қарши чекловларнинг шартлари ҳам тез ўзгариб туради. Рақобатни чеклаш борасида аниқ аҳвол, бу қонунларни кенг талқин қилишга тўғри келади. Бу айниқса антикартел қонунларига таълуқлидир. Бу ерда қонун ва давлат қарорларининг талаблари картелларни таъқиқлаб қўйишдан бошлаб, то маълум муддатга уларга рухсат беришгача бўлган талабни ўз ичига олади.

Монополияга қарши қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш бозор муносабатларига ўтаётган ва шаклланган давлатлар учун ҳаётий заруриятдир. Чунки эркин рақобатгина бозорни ривожланишига асос бўла олади.

Японияда монополияга қарши қонунларининг амал қилиши бунинг яққол мисоли бўлиши мумкун. Мамлакатда 2 жаҳон уришидан кейин монополиялар тўғрисидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилувчи адолатли битимлар қўмитаси тузилган бўлиб, у кенг ваколатга эга ва мустақилликка эга. Қўмита томонидан қайд қилинган ва суд томонидан тасдиқланган қонунбузарчилик молиявий жазоланади ва катта зиён кўришлари мумкун.

Рақобат давлатнинг фаолиятисиз ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Мамлакатимизда бозорга ўтишнинг илк кунларидан бошлаб бу борадаги қонунчилик такомиллаштирилиб келинмоқда. Хар қандай бозор

иқтисодиётга ўтиш жараёнида нархсиз рақобат устиворликка чиқади. Чунки халқ хўжалигининг барча тармоқлари, айниқса товарлар бозори кескин равишда тўйинган бўлади ва унда соғлом рақобатни амал қилиши табиий ҳолга айланади.

Мамлакатимизда мустақиллика эриш жараёнида эркин иқтисодиётга ўтиши муносабати билан рақобатни тамомила янгидан вужудга келтириш зарурияти келиб чиқди. Чунки олдинги режали иқтисодиёт буни том маънода чеклашга ҳаракат қилган. Корхоналарнинг бозорларда эркин ҳаракати давлат томонидан қаттиқ таъқиқланган. Умуман рақобат муҳитини юзага келишига давлат томонидан чекловлар ўрнатилган. Бироқ рақобатнинг айрим аломатлари мавжуд бўлган. Бунга яширин тадбиркорлик фаолиятлари мисол бўла олади.

Рақобат бозор иқтисодиётининг тартибга солувчи куч бўлиб хизмат қилади. Рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда маркетинг концепциясида рақибларга, уни танлашга катта эътибор қаратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги рақобат иқтисодий рақобат бўлиб, у иқтисодий жараёнлардагина юз бериши бизга маълум. Ундаги асосий мақсад бозор иштирокчиларининг эркин фаолияти шароитини яратиш, ҳар бир иштирокчи ўз ҳаракати учун зарур муҳит ва ҳолатни таъминлаш билан боғлиқ бўлган курашдан иборатдир. Ҳар бир бозор иштирокчисининг керакли ишларини бошқаларникига нисбатан муваффақиятли ҳал этиши, бунинг учун зарур шароитларини олдиндан ва ўз вақтида ярата олиши, доимий устунликка эга бўлиши кабилар рақобат курашининг мазмунини ташкил этди.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳукумат томонидан иқтисодиётда рақобат муҳитини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жаҳондаги барча ривожланган давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсати амалга оширилди. Мустақилликнинг илк

йилларидан Ўзбекистонда монополияга қарши ва рақобат сиёсатининг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратиш вазифаси белгилаб олинди. Бу борадаги биринчи меъёрий ҳужжат бўлиб 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва монополияга қарши амалиёт соҳасидаги аҳамиятли ўзгаришлар тегишли қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 27 декабрда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун монополистик фаолият ва ғирром рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб бериб, республиканинг товар бозорларида рақобат муносабатларини шакллантириш ва самарали амал қилишга қаратилган.

Шунингдек, қонунда асосан иккита муҳим йўналиш, яъни биринчидан, монополияга қарши тарибга солишнинг принципиал янги кўриниши бўлиб, у мавжуд ва сақланиб қолган монополистлар томонидан бозорда ҳукмронлик мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга барҳам беришни кўзда тутса, иккинчидан, энг асосий муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланган монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун монополияларнинг амал қилишни тақиқламай, балки бозорда унинг ҳукмронлиги оқибатида келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Қонунда кўзда тутилган тақиқлар ҳам ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун, ҳам Ўзбекистон ва бошқа ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлган монополистлар ҳатти-ҳаракатига қарши ўрнатилган.

Қуйидаги ҳатти-ҳаракатлар монополияга қарши қонунчиликка зид ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан бозордаги устунлик ҳолатининг суистеъмол қилиниши;

- хўжалик субъектларининг рақобатни чеклашга қаратилган битимлари (ўзаро келишилган ҳатти-ҳаракатлари);

- бошқарув барча даражаларидаги ҳокимият органларининг рақобатни чеклашга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлари;

- ноҳалол рақобат.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни халқаро аналоглар асосида тузилган, бироқ, бу қонун амалга оширилаётган, муҳит ривожланган мамлакатлар шароитидан тубдан фарқ қилиб, унинг бажарилишига таъсир кўрсатади.

Қонунга кўра бозор улуши 65%дан юқори бўлган корхоналар устун мавқега эга ҳисобланадилар. Бозор улушдаги устунликнинг 35-65% даражаси бозорнинг барқарорлиги, рақобатчиларнинг нисбатан улуши, тармоққа киришда тўсиқларнинг мавжудлиги ва бошқа шу каби қўшимча омилларни таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Таққослама таҳлил шуни кўрсатадики, корхонани устун мавқега эга деб ҳисобланиши учун бозор улушининг «эталон» ҳажми мавжуд бўлмай, ҳар бир мамлакат уни ўз мезонига кўра аниқлайди. Масалан, бу улуш Полша ва Чехияда – 40%, Венгрияда – 25-30%, Россияда – 35-65%, АҚШда – 70%, Канадада – 35%, Европа Иттифоқида – 40-50%. АҚШ, Канада, Европа Иттифоқи ва бошқа қатор мамлакатлар қонунида бозор улушлари кўрсатилмаган, устунлик еса претседент ҳуқуқ асосида аниқланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳуқуқий шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалар, асоссиациялар, концернлар ва ҳ.к.) учун асоссиациялашган субъектларнинг хўжалик фаолиятига аралашуви тақиқланади. Бироқ, амалда ташкил этилган бирлашмалар, одатда илгари амал қилган тармоқ вазирликларининг давомчилари бўлиб, ҳозирги вақтда уларга хом ашё

ресурсларини, марказлаштирилган капитал қўйилмаларни тақсимлаш, маҳсулотларни сотиш ва бошқа вазифаларнинг юклатилиши кўпинча рақобат муҳитининг ривожланишини секинлаштириб қолмай, балки уларнинг яратилишига тўсқинлик ҳам қилмоқда. Уларнинг амал қилиши кичик ва ўрта бизнеснинг хомашё ресурсларига, валюта маблағларига бўлган имкониятини чеклаш орқали тўсиқлар қўйиши жиддий салбий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган монополияга қарши сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири – бу монополист-корхоналарнинг товар бозоридаги эгаллаб турган устунлик мавқеини суистеъмол қилишининг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича назорат олиб боришдан иборатдир. Айнан шу мақсадда монополист-корхоналар Давлат реестри юритилади. Ушбу реестрларга маълум бир товар бозорида 65 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган корхоналар киритилади. Реестрга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ўз маҳсулотларининг нарх (тариф)лари ёки рентабеллик даражаларини Молия вазирлигида ёки жойлардаги молия органларида декларатсиядан ўтказишлари шарт.

Дастлаб монополист-корхоналар давлат реестрида фақат алоҳида хўжалик юритувчи субъект бозордаги товарларнинг улуши миқдорий кўрсаткичи бўйича монополист корхоналар таркибига киритилар эди. Бу ўринда бозорнинг сифат жиҳатидан таркиби, хусусан, рақобат муҳитини ярата олишга лаёқатли бўлган ўрнини босувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳисобга олинмай, бундай ёндошувни тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас эди. Шунга кўра, қонунда товар бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг мезонларини янада аниқроқ белгилаб, уларни монополистлар тоифасига киритишда ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш зарур эди.

Кейинги йилларда Давлат реестрини юритиш услубиётини такомиллаштириб бориш, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл инвестицияларининг кириб келиши натижасида барпо этилаётган

корхоналар салмоғининг ошиши ва бошқа омиллар таъсирида кўпгина монополист корхонанинг товар бозорларидаги улушининг камайиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилмоқда. Яъни 2000 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда монопол корхоналар 4 бараварга, бундай турдаги маҳсулот ва хизматлар сони 12 бараварга камайди. Айтиш жоизки, монопол маҳсулот ва хизматларнинг республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,2 фоизга пасайди.

Монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2010 йил 26 февраль, ПФ-4191-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **“Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси”** этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги ПҚ-1293-сонли **“Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”**ги қарори билан **“Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси”** фаолияти қайта ташкил этилди.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни моҳияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги „Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида“ги қонуни бир қатор қонуности меъёрий ҳужжатлари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига етарли даражада мувофиқ эмаслигини Президентимиз **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш”** концепциясида таъкидлаган эди. Қонун молиявий хизматлар бозорларидаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган, бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермас эди.

Шунингдек қонунда „бозор“, „бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар“, „инсофсиз рақобат“, „камситувчи шартлар“, „нотўғри таққослаш“, „монополь юқори нархлар“, „монополь паст нархлар“, „шахслар гуруҳи“, „устун мавқе“ каби асосий тавсифларнинг бир-биридан аниқ ажратиш ва тоифалаш тартиби мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон Республикасининг **“Рақобат тўғрисида”**ги янги қонун ишлаб чиқилди ва сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланди. Ушбу қонуннинг мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Янги қонун рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланишини, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини таъминлаб бериш, бу эса рақобат ривожланишининг ҳамда унинг товар ва хизматлар бозорларида ҳимоя қилинишининг энг асосий жиҳати бўлиб хизмат қилиши назарда тутилган. Қонун бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг кириб келишида ва улар ўртасида соғлом рақобатни таъминлашда асосий воситадир.

Ислохотларнинг кейинги босқичида хусусий секторни ривожлантириш, корхоналар фаолиятини табиий монополиядан ҳимоя қилишни кучайтириш,

банкротликка тушган корхона ва монопол ташкилотларни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, рақобатни рағбатлантириш, рақобатни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи бозор тизими учун шароит яратиш, қолаверса, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш ишлари амалга оширилди. Бунда Президентимизнинг 2005 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳуқуқий асос сифатида олиниб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизида **Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилди.**

Президентимизнинг 2010 йил 26 февралдаги “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига айлантирилди.

Юқоридаги қонунчиликка асосан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазифаси қўмита ваколатидан соқит қилинди. Бу вазифанинг давлат органи зиммасидан олиниб, нодавлат ташкилотига берилди.

Бу—тадбиркорлик фаолияти жараёнида эркин иштирок этиши учун кафолат ва шароит яратишга ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини

таъминлашга хизмат қилибгина қолмай бевосита рақобатни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган қонунчиликни такомиллашиб бориши товарлар бозорида рақобат ва унинг ривожланишини асосий омили сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Соғлом рақобат- бозор ислохотларининг муҳим талабидир. Шунининг алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида давлат томонидан самарали рақобат сиёсати амалга оширилиши натижасида товар ва хизматлар бозорларининг монополиялаштириш даражаси сезиларли равишда пасайди. Хусусан, сўнгги ўн йил мобайнида монопол корхоналар сони 75,2 фоизга, шу жумладан, 2004 — 2010 йилларнинг ўзida монопол товарларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 26 фоиздан 19,2 фоизга камайди. Бу эса рақобатни янада ривожлантиришга кенг имконият яратиб берилганлиги ҳамда товар ва хизматлар бозорларида устун мавоқени эгаллаб турган корхоналар сони сезиларли даражада қисқарганлигидан далolatдир.

Ўз навбатида, республикаимиз иқтисодиётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар монополияга қарши қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки 1996 йилда қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни молиявий хизматлар бозорларидаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган. Бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермасди. Айнан шундай ҳолатлар савдоларни (тендерларни) тартибга солиш ва биржа савдолари соҳасида ҳам кузатилмоқда. Шу боис бу жараёнларда монополияга қарши органга тегишли ваколатларни бериш айти муддаодир.

Айти чоғда рақобатга оид қонун ҳужжатларида “бозор”, “бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар”, “инсофсиз рақобат”, “камситувчи шартлар”, “нотўғри таққослаш”, “товарнинг монопол юқори нархи”, “товарнинг

монопол паст нархи”, “шахслар гуруҳи”, “устун мавқеи” каби асосий тушунчаларни бир-биридан аниқ ажратиш ва таърифлашга катта эҳтиёж бор эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Шу маънода, ушбу қонун рақобат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Қолаверса, мазкур қонун соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштириш, товар ва молия бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олиш ҳамда тўхтатиш бўйича ҳуқуқий воситаларни янгилашга йўналтирилган.

Қонуннинг асосий жиҳатларидан бири монополияга қарши тартибга солишнинг молиявий хизматлар бозорига нисбатан ҳам татбиқ этилиши ҳамда ушбу бозорлар субъектлари фаолиятини тартибга солиш мезонларини белгилашдир. Айти пайтда танлов (тендер) савдоларида монополияга қарши тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш, савдо жараёнларида ошкоралик, очиқлик, соғлом рақобат шартларини таъминлаш мақсадида савдолар (тендерлар) ва биржа савдоларига оид монополияга қарши талабларни тартибга солиш белгиланмоқда.

Шунингдек, юқори ликвидли, жумладан, товар бозорида устун мавқега эга корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг биржа савдолари ривожланиши билан монопол юқори нарх тавсифига ёндашув ҳам ўзгарди. Қонунда биржа савдолари натижасида вужудга келган нарх монопол юқори нарх ҳисобланмаслиги назарда тутилган.

Қонунда шахс ёки шахслар гуруҳининг устунлик даражасини ошишига олиб келувчи юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, бирлаштириш, акцияларни, мулкый ҳуқуқларни сотиб олиш ва бошқа битимларни (ҳаракатларни) тартибга солиш белгиланган. Айти чоғда

инвестициявий воситачилар сифатидаги қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган акцияларни сотиб олиш бўйича битимлар тузилиши ҳамда акция ва улушларни ишончли бошқарувга топшириш юзасидан назоратни олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. Чунки мазкур бозор катнашчилари рақобат ривожланишига таъсир кўрсатмайди.

“Рақобат тўғрисида”ги қонун соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг очиқ-ошкоралигини, самарадорлигини оширади, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланишини, иқтисодий фаолиятнинг мустақиллигини таъминлаб беради. Зотан, бу рақобат ривожланишининг энг асосий жиҳатларидан биридир.

Қонун 7 та боб ва 40 моддадан иборат.

1-боб ўз ичига 9 та моддани олган бўлиб унда қонининг мақсади, қонунчилик ҳужжатлари, қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар шарҳи, устун мавқе, товарнинг монопол юқори нархи, товарнинг монопол паст нархи, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги ваколатли органлар фаолияти белгилаб берилган.

Қонуннинг 2-бобида рақобатга қарши ҳаракатлар ва уларнинг қонунчилик меъёрлари белгилаб берилган. Бунда устун мавқени суистеъмол қилиш ҳолатлари ва уларнинг тартиби, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тақиқлаш шартлари, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тартибга солиниши, инсофсиз рақобатни тақиқлашнинг асослари белгилаб берилган.

Қонуннинг 3-боби эса савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солиш фаолиятлари тартибга солинган бўлиб, бунда асосан молия бозоридаги манаполистик фаолиятларни ва улар

бўйича йўриқномалар белгиланган. Эски қонунда бу моддалар бўлмаган. Айниқса биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар белгиланган бўлиб, бунда биржа савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар тартиботи белгилаб берилган.

Қонуннинг 4-бобида Монополияга қарши органнинг ваколатлари, субъектлардан ахборот олиш ҳуқуқи, монополияга қарши органга ахборот тақдим этиш шартлари ва тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини ташкил этувчи маълумотларнинг монополияга қарши орган томонидан ошкор этилишини тақиқлаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятлар тартибга солинган. Бу эса монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва орган фаолиятини янада самарали ишлаш механизмини янада такомиллаштиришга олиб келади.

Қонуннинг 5-боби “Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш “ деб номланиб, бунда Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатлари, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар ва уларнинг меъёрлари, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиботини белгилаб берган.

6-бобда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш. Монополияга қарши органнинг қарори ва кўрсатмасини ижро этиш ҳамда бундай қарор ва кўрсатма устидан шикоят бериш тартиби белгиланган.

7-боб эса яқунловчи қоидалардан иборат.

1.3. Наманган вилояти иқтисодиётининг ривожланиши ва ундаги бозор субъектларининг тавсифи.

Наманган вилоятининг аҳолиси сони 2298,7минг кишини, умумий ер майдони 7440 кв.км ни ташкил этади. Вилоятда 830,7 минг нафар иқтисодий

фаол аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 815,3 минг нафари меҳнатда банддир, 45,1 минг нафари доимий иш билан банд бўлмаганлардир.

Вилоятда халқ хўжалигининг барча тармоқлари мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ босқичма-босқич ривожланиб келмоқда.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширилиши шунингдек, инқирозга қарши дастур доирасида қабул қилинган қатор ҳукумат қарорлари бўйича аниқ ва мақсадли ишларни амалга ошириш жараёнида барча соҳаларда шунингдек иқтисодиётнинг барча бўғинларида юқори ўсиш даражасига эришилиб келинмоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган ишларда доимий ошиб, бориш суратларини кузйтишимиз мумкин.

Кейинги йилларда Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини тўла юзага чиқариш, энг зарур жихитларга эътибор қаратиш ва ривожлантириш мақсадида бир қатор қонуний ҳужжатлар имзоланди.

Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6-августдаги 1170-сонли “Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги қарори, “2009-2012 йилларда Наманган вилояти саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш Дастури тўғрисида”ги Республика Вазирлар Маҳкамасининг 232-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги 246-

сонли қарорларидир. Ушбу қониний ҳужжатларни қабул қилиниши вилоятимизнинг барча соҳаларини, шу жумладан саноатни янада ривожлантиришга асос бўлмоқда.

2012 йилнинг якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш 2011 йилга нисбатан 10 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 14,9 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,1 % га, инвестициялар 12,6 %га, пудрат ишлари 10,2 % га, чакана савдо айланмаси 16,6 %га, хизматлар 16,8 % га, қишлоқ хўжалиги 7 фоиз, жаъми хизматлар эса 17,3 %га ўсган. (1.3.1-жадвал)

1.3.1-жадвал

**Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий
кўрсаткичлари
ТАХЛИЛИ**

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил		
			январ- декабр ойлари	январ- декабр дастур	январ- декабр ҳақиқат	фарқи +,-
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд.сўм	2996,2	3762,0	3759,2	
		%	110,0	109,7	110,0	0,3
2	Саноат маҳсулотлари	млрд.сўм	1057,3	1308,4	1289,3	
		%	116,1	116,5	114,9	-1,6
3	Халқ истеъмоли моллари	млрд.сўм	1428,7	836,8	819,2	
		%	125,2	115,0	113,1	-1,9
4	Инвестициялар	млрд.сўм	663,2	810,8	728,0	
		%	105,5	105,0	112,6	7,6
5	Пудрат ишлари	млрд.сўм	473,3	564,2	547,9	
		%	123,6	108,1	110,2	2,1
6	Чакана савдо	млрд.сўм	1678,7	2100,0	2268,8	
		%	118,5	116,5	116,6	0,1
7	Пуллик хизмат	млрд.сўм	570,7	700,0	790,2	
		%	116,5	114,2	116,8	2,6
8	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд.сўм	1428,7	1661,1	1836,4	
		%	107,0	105,7	107,0	1,3
9	Жами хизматлар	млрд.сўм	1623,0	1985,0	2123,7	
		%	119,4	116,0	117,3	1,3

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумоти.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида 2012 йилда саноатни улуши 9,9 % ни, қишлоқ хўжалиги 34,8 %ни, қурилиш 7,5 %ни, транспорт ва алоқа хизматлари 9,3 %ни, савдо ва умумий овқатлашниш хизматлари 9,3 ни ташкил этиган. ЯХМда хизматларнинг улуши 44,5 %ни ташкил этиб 2011 йилга нисбатан 0,3 % пасайган. Бу кўрсаткич вилоятда хизматлар соҳасини

янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоралар қўрилиши кераклигини асослайди. ЯХМда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши атига 9,9 % бўлиб 2011 йил билан солиштирганда унинг ўсиши кузатилмаган. Бу эса саноатни ривожлантириш бўйича ва унинг улушини ортириш бўйича янада самаралироқ ишлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шунинг билан бирга 2012 йилда саноатни ривожланиши 2011 йилга нисбатан паст кўрсаткични ташкил этмоқда. Бу эса вилоятимиздаги жуда кўплаб корхоналар фаолиятини рақобатбардошлигини ошириш бўйича вилоят ХМЧРР бошқармасинининг ишлари самарадорлигини оширишни кераклиги ва вилоятдаги иқтисодий ночор саноат корхоналар фаолиятини қайта тиклаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини белгилаб бермоқда. (1.3.2-жадвал)

1.3.2-жадвал

**2012 йилнинг январ-декабр ойлари якуни билан Наманган вилоятининг ялпи ҳудудий
маҳсулоти ҳажмлари(млн. сўм.)**

	январ - декабр		Жамидаги улуши, %		2011 й. 2010 й. га нисбатан, %	2012 й. 2011 й. га нисбатан, %
	2011 й.	2012 й.	2011 й.	2012 й.		
ЖАМИ	2944442,1	3759243,8	100,0	100,0	110,0	110,0
Саноат	291834,7	373781,1	9,9	9,9	111,9	111,1
Қишлоқ хўжалиги	1012782,5	1307725,5	34,4	34,8	107,2	107,0
Қурилиш	229281,3	280713,4	7,8	7,5	123,6	110,2
Транспорт ва алоқа	278963,2	348293,1	9,5	9,3	112,2	111,6
Савдо ва умумовқатлани ш	272203,2	347990,9	9,2	9,3	102,6	109,6
Бошқалар	770715,6	980424,0	26,2	26,1	112,0	112,8
Солиқлар	88661,6	120315,8	3,0	3,2	111,5	111,5
Хизматларнинг ЯХМдаги улуши, %			44,8	44,5		

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумоти.

Ялпи ички маҳсулотни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2011 йилда 1226,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 1540,9 минг сўмни ташкил этди. 2011 йилга нисбатан 2012 йилда унинг ўсиш сурати 108,2 %ни ташкил этди.

1.3.3-жадвал

Наманган вилояти иқтисодиётида кичик тадбиркорликнинг улуши (%)

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.
Кичик тадбиркорлик улуши	78,7	79,0
Шундан:		
кичик корхоналар	13,1	14,7
микрофирмалар	25,5	25,1
якка тартибдаги тадбиркорлик	17,0	15,9
деҳқон хўжаликлари	23,1	23,3

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумоти.

Наманган вилоятида ЯХМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни улуши 2011 йилда 78,7 %ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 79 %га етди. Бунда кичик корхоналарнинг улуши 2012 йилда 14,7 %ни , микрофирмаларнинг улуши 25,1 %ни, якка тартибдаги тадбиркорларнинг улуши 15,9 %ни, деҳқон хўжаликларининг улуши эса 23,3 %ни ташкил этди. (1.3.3-жадвал)

1.3.4-жадвал.

Наманган вилоятининг чакана савдо айланмаси тахлили.

	Ўлчов бирлиги	2011 й	2012 й	Ўсиши
Вилоят бўйича	Млн сўм	1696253,6	2268806,3	116,6
Аҳоли сони	Минг киши	2258,5	2379,5	105,3
Аҳоли жон бошига	Сўм	751053,2	953480,27	126,9

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумоти.

Вилоятда аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси 2011 йилда 751053,2 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 953480,27 сўмни ташкил этиб 126 %га ўсишга эришди. Бу эса вилоят аҳолисининг турмуш даражасини 126 %га ўсганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Чунки чакана савдо айланмаси вилоят аҳолисининг қондирилган талаби ҳисобланиб, унинг юқори суратда ўсиши аҳолини даромадларини

оширишига ва турмуш даражасини янада кўтарилишига олиб келади. (1.3.4-жадвал).

2012 йил декабр ойи ҳолатига Наманган вилоятида жами 33290 бозор субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 26006 таси микрофирмалар, 3409 таси кичик корхоналар, 3875 таси кичик бизнесга мансуб бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларнинг 2012 йилдаги ҳолатини таҳлил этилганда 30050 таси хўжалик юритувчи субъектлар самарали фаолият юритган, уларнинг 22993 таси микрофирмалар, 3324 таси кичик корхоналар, 3733 таси кичик бизнесга мансуб бўлмаганларидир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг 3240 таси ўз 2012 йилда фаолият юритмади ва уларнинг 90 %дан ортиғи яъни 3013 таси микрофирмалардир. Бу корхоналар фаолият юритмаслигининг асосий сабаби бозор шароитида рақобат муҳитига дош бераолмаганлигидир. Фаолият юритмаган субъектларнинг 557 таси яъни 17 %ини саноат корхоналарини ташкил этганлиги ҳам вилоятдаги энг катта муаммолардан биридир. Яна бир энг муҳим масала 961 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фаолият юритмади, бу эса вилоятда фаолият юритмаётган субъектларнинг 30 %ни ташкил этгани ҳолда, вилоятдаги жами савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг 20 %ни ташкил этмоқда. (1.3.5-жадвал).

**Давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс мақомига эга субъектлар тўғрисида
ТАХЛИЛИ**

<i>Тармоқлар</i>	Рўйхатдан ўтган				Фаолият кўрсатаётган				Фаолият кўрсатмаётган			
	<i>Жами</i>	<i>шу жумладан</i>			<i>Жами</i>	<i>шу жумладан</i>			<i>Жами</i>	<i>шу жумладан</i>		
		<i>Микро</i>	<i>Кичик</i>	<i>Кичик бизнесга мансуб бўлмаган</i>		<i>Микро</i>	<i>Кичик</i>	<i>Кичик бизнесга мансуб бўлмаган</i>		<i>Микро</i>	<i>Кичик</i>	<i>Кичик бизнесга мансуб бўлмаган</i>
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Саноат	2873	2656	182	35	2316	2110	173	33	557	546	9	2
Қишлоқ хўжалиги	16530	14274	1964	292	16248	13999	1961	288	282	275	3	4
Ўрмон хўжалиги	19	14	2	3	19	14	2	3				
Транспорт ва алоқа	549	434	60	55	462	354	57	51	87	80	3	4
Қурилиш	1503	1353	120	30	1168	1027	119	22	335	326	1	8
Улгуржи савдо	1025	898	97	30	558	451	78	29	467	447	19	1
Савдо ва умумовқатланиш	4702	4113	527	62	3741	3196	487	58	961	917	40	4
Моддий- техника таъминоти	10	8	2	0	6	4	2	0	4	4		
Тайёрлов	67	66	1	0	50	49	1	0	17	17		
Ахборот ҳисоблаш хизмати	109	109		0	91	91		0	18	18		
Кўчмас мулк амалиёти	192	188	3	1	170	166	3	1	22	22		
Умумий тижорат амалиёти	922	915	7	0	783	777	6	0	139	138	1	

1.3.5-жадвал давом

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Геология ва кидирув	8	7		1	8	7		1	0	0		
Моддий и.ч.нинг бошқа турлари	93	85	6	2	83	75	6	2	10	10		
Уй жой ва коммунал хизмат соҳасида	506	117	14	375	444	100	12	332	62	17	2	43
Маиший хизмат соҳасида	204	195	5	4	152	145	5	2	52	50		2
Соғлиқни сақлаш соҳасида	745	335	209	201	675	269	207	199	70	66	2	2
Халқ таълими соҳасида	1446	114	183	1149	1409	81	182	1146	37	33	1	3
Маданият соҳасида	147	68	22	57	108	40	18	50	39	28	4	7
Фан соҳасида	57	27	4	26	46	16	4	26	11	11		0
Молия соҳасида	34	21		13	26	13		13	8	8		
Бошқарувларда	1023	9	1	1013	996	9	1	986	27			27
Жамоа бирлашмалари	526			526	491			491	35			35
Жами	33290	26006	3409	3875	30050	22993	3324	3733	3240	3013	85	142

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумоти.

II БОБ. Наманган вилоятида Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш тавсифи

2.1 Худудий бошқарманинг ташкилий тузилмаси ва низоми

“Рақобат тўғрисидаги” янги қонунни қабул қилишиниши **“Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси”** фаолиятни янада кенгайтириш ва уни бугунги бозор ҳолатига мослаш вазифасини қўйди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик қўламини кенгайтириш, монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш, фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш” давлат қўмитаси ташкил қилинди.

Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг худудий бошқармалари “Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаларига” айлантирилди.

Ушбу фармонни қабул қилиниши билан «Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 1994 йил 7 февралдаги ПФ-758-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгартириш


тўғрисида» 2005 йил 4 майдаги ПФ-3603-сонли, «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сонли фармонлари ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистон республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 2012 йил 30 декабрьдаги 374-сонли қарори билан **“Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг”** низоми ва ташкилий тузилишмаси (2.1.1-жадвал) тасдиқланди.

Низомга кўра қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгилаб берилди:

- хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш, давлат мулкининг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиқлик ва ошкораликни таъминловчи давлат мулкидан чиқаришнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятларининг улар томонидан бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- энг аввало, акциядорлик жамиятларининг капиталлашуви ва рентабеллиги ўсишини рағбатлантириш ҳисобига фонд бозорини, айниқса иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш, тадбиркорлар ва аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш, уларнинг биржа операцияларида фаол иштирокини таъминлаш бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш, савдоларни электрон шаклда ўтказишга тўлиқ ўтиш чора-тадбирларини тизимли асосда амалга ошириш;



-расм. Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Наманган вилоят худудий бобошқармасининг тузилмаси

- акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг ва кузатувчи кенгашларнинг ролини тубдан оширишга, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан ижро этувчи органларнинг акциядорлар олдидаги масъулиятини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш;

- монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш, рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

- рақобат муҳитини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида инсофсиз рақобатга чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш, жамоат тузилмалари билан яқиндан мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, уларни, биринчи навбатда, янги инвесторларни жалб этиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш янги рақобатбардош маҳсулот турларини ўзлаштириш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва банкрот қилиш борасидаги функцияларни бажариш, судгача ва суд санациясини ўтказиш, банкрот корхоналарнинг ташқи бошқаруви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Низомда Давлат рақобат қўмитасининг асосий функциялари унинг вазифаларига мувофиқ ҳолда қуйидаги йўналишларни ўз ичига олди:

а) хусусийлаштириш объектларини сотишдан олдин тайёрлаш ва реализация қилиш, инвесторлар томонидан мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш соҳасида:

- ностратегик корхоналарда давлатнинг иштирокини қисқартиришни таъминлайди;

- манфаатдор давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларини жалб этган ҳолда хусусийлаштириш бўйича давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

- хусусийлаштириш объектларини сотишдан олдин тайёрлашни амалга оширади ва хусусийлаштиришнинг, шу жумладан иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарининг, аниқ инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган объектларни хусусийлаштиришнинг шартномавий шартларини белгилайди;

- хусусийлаштириш объектлари, шартлари ва шакллари юзасидан қабул қилинадиган қарорларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлайди, хусусийлаштириладиган корхоналар - эмитентлар ва улар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни тарқатади, шунингдек маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида реклама-ахборот ишларини амалга оширади;

- хусусийлаштириш объектларининг сотувчиси функциясини амалга оширади, уларнинг бошланғич сотув нархини, инвестициялар ҳажмини, савдоларнинг тури ва шартларини белгилайди, шу жумладан давлатга тегишли қимматли қоғозларни мустақил равишда ёки шартнома асосида жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий инвестиция воситачилари орқали ички ва халқаро бозорларда, биржа савдолари ва биржадан ташқари савдоларда сотади;

- хусусийлаштириш объектларининг олди-сотдиси бўйича Давлат рақобат қўмитаси томонидан тузиладиган битимларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши, шу жумладан инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши мониторингини олиб боради;

- янги мулкдорга хусусийлаштирилган объектга мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ордер (сертификат) беради, шунингдек харидорнинг хизмат кўрсатувчи депозитарийсига унинг томонидан сотиб олинган акцияларни ўтказишга (разблокировка қилишга) депо топшириғини тақдим этади;

- хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилади ҳамда хусусий мулкдорлар томонидан хусусийлаштириш объектлари сотилишининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлайдиган хусусийлаштиришнинг янги шакллари ва усуллари жорий этиш, шу жумладан мулккий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни шакллантиради;

б) қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва корпоратив бошқарув соҳасида:

- қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга, шунингдек қимматли қоғозлар биржа савдоси тамойилларига риоя қилишни таъминлашга доир чоралар кўради;

- молиявий воситаларнинг янги турларини, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур ресурсларни жалб этиш имконини берадиган қимматли қоғозлар ҳосилаларини жорий этишга кўмаклашади;

- давлат бошқарувининг манфаатдор органлари билан биргаликда қимматли қоғозлар бозорини, шунингдек ушбу бозорни ривожлантириш учун зарур муҳит ва инфратузилмани шакллантириш ва уларнинг амал қилиши жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

- қимматли қоғозлар бозорида фуқароларнинг ва хорижий инвесторларнинг, шу жумладан инвестицион ва профессионал фаолиятни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорида жамоавий инвестиция қўйиш шартларини такомиллаштириш йўли билан фаоллигини ошириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

- савдоларни ўтказишнинг электрон шаклига тўлиқ ўтишни ва қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоб қилишни назарда тутувчи қимматли қоғозлар

бозори фаолият кўрсатишининг халқаро амалиётини жорий этиш чораларини кўради;

- корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилади ва корпоратив муносабатларни тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни шакллантиради;

- хўжалик жамиятларида корпоратив бошқаришни такомиллаштириш, шу жумладан уларнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича халқаро тамойиллар ва қоидалар асосида тавсиялар ишлаб чиқади;

- давлат-акциядорлик компанияларининг ва устав фондида давлат улуши бўлган, республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа хўжалик жамиятларининг ижроия органи ҳамда кузатув кенгаши раҳбарларининг корпоратив бошқаришнинг сифатли тизимини жорий этиш бўйича ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида вақти-вақти билан эшитилишини ташкил этади;

- давлат активларини самарали бошқариш бўйича «Давлат активларини бошқариш маркази» ДУКнинг ҳамда корпоратив бошқариш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда улар фаолияти мониторингини олиб боради, шунингдек уларнинг самарали ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди;

- акциядорлик жамиятларида бошқарув ва назорат органлари фаолиятининг амалий масалаларини акс эттирувчи корпоратив бошқариш бўйича қўлланмалар чиқаради, шунингдек инвесторлар ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларини таълим жиҳатидан қўллаб-қувватлашнинг шакллантирилишига кўмаклашади;

- халқаро ташкилотлар доирасида икки томонлама ва кўп томонлама самарали ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш йўли билан корпоратив бошқариш ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади;

в) давлат мулки объектларини тасарруф этиш, шу жумладан уларни хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва самарали бошқариш соҳасида:

- давлат корхоналари ва муассасаларининг, шунингдек давлат корхоналари ва муассасаларини хусусийлаштириш жараёнида ташкил этиладиган хўжалик жамиятларининг Ўзбекистон Республикаси номидан муассиси бўлади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси номидан давлат акциялар пакети (улуши) бўйича хўжалик жамиятларининг акциядори (иштирокчиси) ҳуқуқларини амалга оширади, шунингдек ушбу ҳуқуқларни ишончли бошқарувчиларга ва бошқа шахсларга беради;

- «Давлат активларини бошқариш маркази» ДУК бошқарувига бериладиган хўжалик жамиятлари акциялари пакетлари (улушлар) рўйхатини Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясига тасдиқлаш учун киритади;

- давлат кўчмас мулкни, давлат корхоналари ва муассасаларини, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини, шу жумладан чет элдаги ва давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари иш кўрадиган хўжалик жамиятларининг, давлат кўчмас мулкни хатловдан ўтказади ва ҳисобга олади (хатловдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тегишли ваколатли давлат органлари томонидан юритиладиган мол-мулк бундан мустасно);

- давлат акциялар пакетларини (улушларни) ва бошқа мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этиладиган ва фаолият кўрсатаётган хўжалик жамиятларининг устав фондларига киритади;

- давлат мулки бўлган мол-мулкнинг ижарага берувчиси бўлади, ушбу ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига берилган ҳоллар бундан мустасно;

- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат корхоналарига давлат мулкни бериш юзасидан давлат корхоналари ташкил этилиши келишилишини амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ давлат мулкани бошқариш масалалари бўйича давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

- республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари рўйхати бўйича таклифларни Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши юзасидан мониторинг олиб бориш комиссиясига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади;

- хўжалик жамиятларида давлат улушларини бошқариш бўйича давлат ишончли вакиллари ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиларини, шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқидан фойдаланувчи («олтин акция») давлат вакиллари тайинлаш ва озод этиш юзасидан таклифларни Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясига кўриб чиқиш учун киритади;

- давлатнинг ишончли вакиллари, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса — бошқа юридик шахслар билан хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини ишончли бошқариш шартномалари тузилишини таъминлайди;

- давлатнинг ишончли вакиллари, давлат активларини ишончли бошқарувчилар фаолияти мониторинги олиб борилишини таъминлайди, акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишларида ва кузатувчи кенгашлар мажлисларида овоз бериш тартиби бўйича уларга кўрсатмалар беради, шунингдек уларни тақдирлаш тартибини белгилайди;

- устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади, жамиятнинг бизнес-режаси параметрлари мунтазам равишда бажарилмаган тақдирда эса — жамиятнинг ижро этувчи органи таркибини ўзгартириш ташаббуси билан чиқади;

г) монополияга қарши тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш соҳасида:

- монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, бошқа давлат органларига ва хўжалик бошқаруви органларига юборади;

- рақобатга қарши хатти-ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)нинг асоссиз ўсишини аниқлайди ва уларнинг олдини олади;

- товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганади ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳларининг устунлик мавқеини аниқлайди, шахслар гуруҳлари қатнашчиларининг таркибини аниқлайди;

- товар ёки молия бозорида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополиялар субъектлари давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

- хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларни қўшиш ёки бирлаштиришда, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида (устав капиталида) акцияларни (улушларни) сотиб олишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, шунингдек табиий монополиялар субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишда табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

- табиий монополиялар субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар ва тарифларни таҳлил қилади ҳамда табиий монополиялар субъектлари томонидан тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг асоссиз ошириб юборилишидан ва сифати пасайишидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

- тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)га ва товарлар (ишлар, хизматлар)га устама нархларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

- табиий монополиялар субъектлари ва устунлик мавқеини эгаллаган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини нархларни шакллантиришда декларация қилиш (тасдиқлаш) учун тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг асосланганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширади;

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органлари реестрини юритади ва эълон қилади;

- марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган капитал қурилишда бошланғич нархлар шаклланиши устидан назоратни амалга оширади;

- ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ва давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилишни таъминлайди;

- ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ёки молия бозорларига киришини таъминлаш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар ижро этилишини назорат қилади;

- маҳсулотларнинг монопол турларини биржа савдоларига қўйиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади;

- маҳсулотларнинг юқори ликвидли ва монопол турларини биржа савдоларига қўйилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

- танлов (тендер) ва биржа савдолари ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

- табиий монополиялар субъектлари томонидан товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш тартибига риоя этилишини назорат қилади ва мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар рўйхатини аниқлаш юзасидан таклифлар киритади;

- устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополияларнинг товарларига (ишларига, хизматларига) харажатларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- юридик шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ ҳуқуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

д) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида:

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

- истеъмол товарларига нархлар ва хизматларга тарифлар мониторингини олиб боради, бозорда сифатсиз истеъмол товарлари ва хизматлар пайдо бўлишининг олдини олиш чораларини кўради;

- жамоат тузилмалари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, шунингдек аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишлар олиб борилишини амалга оширади;

- реклама соҳасида инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик ва нотўғри рекламага барҳам бериш мақсадида реклама бозорини тартибга солиш чоратadbирларини кўради;

- давлат органлари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва реклама соҳасида инсофсиз рақобатнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

е) банкротлик, иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш ва суд бошқарувчилари фаолияти устидан назорат қилиш соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш соҳасида:

- устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий ҳолатини, шу жумладан тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида маълумотлар базасини юритиш йўли

билан мониторинг ва таҳлил қилади, шунингдек манфаатдор давлат органлари билан биргаликда уларни молиявий соғломлаштириш юзасидан комплекс чоратadbирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг таклифлари асосида банкротлик таомилларини қўллаш ташаббуси билан чиқиш, устав фондида давлат улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш ва ихчамлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади;

- устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарда банкротлик таомилларининг бориши устидан назоратни ташкил этади, шунингдек судгача санация, суд санацияси ва ташқи бошқарув режаларини келишади;

- тижорат банкларига берилган (реализация қилинган) банкрот корхоналар бўйича ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб боради;

- иқтисодий ночор корхоналарда банкротлик ёки судгача санация таомилларини амалга оширишда кредиторларнинг манфаатлари ва акциядорлар (қатнашчилар)нинг мулкый ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

- устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарздор бўлган корхоналарнинг судгача санациясини ўтказиш, узайтириш ёки муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида, шунингдек судгача санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- таркибий ўзгартирилиши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик таомиллари қўлланилган корхоналарнинг қурилиши тугалланмаган объектларини ҳамда асосий фондларини консервация қилиш ва сотиш масалаларини кўриб чиқади ва бу ҳақдаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

- суд бошқарувчиларини тайёрлаш тизимини ташкил этади, уларни аттестациядан ўтказди ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини

юритади, суд бошқарувчилари аттестатини бериш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- давлат томонидан қўллаб-қувватланган корхоналарнинг судгача санациясини узайтириш ва муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- зарар кўриб ишлаётган, тўловга қодир бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш, ихчамлаштириш, молиявий соғломлаштириш ва судгача санацияни амалга ошириш даврида қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зарар кўриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш дастурларини амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

- ташқи бошқарувчиларнинг, шунингдек давлат томонидан қўллаб-қувватланган ёхуд мулкида давлат улуши бўлган санация қилинаётган корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

ж) биржа, баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини лицензиялаш соҳасида:

- биржа, баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини лицензиялайди;

- баҳоловчилар ва риэлторларга малака талабларини белгилайди, уларга малака сертификатлари беради;

- лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;

- биржалар, баҳолаш, риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларнинг лицензиялари ҳамда баҳоловчилар ва риэлторларнинг малака сертификатлари реестрини юритади;

з) фаолиятнинг бошқа соҳаларида:

- Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

- Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ва методологик базани ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

- Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширади;

- Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалаларнинг ҳал этилиши бўйича сансалорлик, бюрократизм, муддатлар чўзилиши ҳолатларини аниқлайди ва уларнинг бартараф этилишини таъминлайди;

- кадрларни қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишни таъминлайди, Давлат рақобат қўмитаси ҳамда идоравий мансуб тузилмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларини аттестациядан ўтказди;

- халқаро ҳамкорликни ва ўзига юкланган бошқа функцияларни амалга оширади.

- 10. Давлат рақобат қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий органлар ва унинг идоравий мансуб тузилмалари орқали амалга оширади.

2.2. Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлими фаолияти.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлими” фаолиятининг ўрни юқори.

Қўмита “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш” борасидаги асосий мақсад ва фазифалари қуйидагилардан иборат:

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

- истеъмол товарларига нархлар ва хизматларга тарифлар мониторингини олиб боради, бозорда сифатсиз истеъмол товарлари ва хизматлар пайдо бўлишининг олдини олиш чораларини кўради;

- жамоат тузилмалари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, шунингдек аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишлар олиб борилишини амалга оширади;

- реклама соҳасида инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик ва нотўғри рекламага барҳам бериш мақсадида реклама бозорини тартибга солиш чора-тадбирларини кўради;

- давлат органлари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва реклама соҳасида инсофсиз рақобатнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

Ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб бўлим қуйидаги функцияларни бажаради:

- Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама қонунчиликларига риоя этилиши юзасидан белгиланган тартибда текшириш ва мониторинглар ўтказиш йўли билан давлат назоратини амалга оширади;

- Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари поймол этилиши юзасидан берилган ариза ва шикоятлар бўйича, корхона ва ташкилотларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама қонунчиликларига риоя этилиши юзасидан белгиланган тартибда ўрганиш ва таҳлиллар, мониторинглар, текширишлар ўтказади.

- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликларни бузилиш ҳолатлари ва уларнинг сабабларини кўриб чиқади, тегишли хужжатларни тайёрлайди ва белгиланган тартибда қарор қабул қилиш учун киритади;

- Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама қонунчиликлари бўйича ҳуқуқлари поймол этилганлиги бўйича истеъмолчилардан тушган аризаларни кўриб чиқади, қонунбузилиш ҳолатларини систематик равишда келиб чиқиш сабабларини аниқлайди, қонунбузилишларни бартараф қилиш бўйича кўрсатма лойиҳаларини тайёрлайди;

- Хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама қонунчиликлари бузилиши бўйича бош юрист маслаҳатчи билан биргаликда судга даъво аризаларини тайёрлайди, шунингдек, ишни кўриб чиқишда қатнашади;

- Хўжалик субъектлари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига қонунчиликда белгиланган тартибда жарималар қўллаш бўйича Комиссияга ҳужжатларни тайёрлайди;

- Хўжалик субъектлари томонидан Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама қонунчиликлари бузилиши натижасида асоссиз олинган даромад, шунингдек, қўлланиладиган жарималарни ундириш (асоссиз олинган маблағларни истеъмолчиларга қайтариш) бўйича қарор қабул қилиш учун белгиланган тартибда ҳужжатларни тайёрлайди ва Комиссияга киритади;

- Қўлланилган жарималарни тўлов муддатини узайтириш юзасидан хўжалик юритувчи субъектнинг аризасига асосан, агар жарималарни муддатида тўлаш хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот ҳолатига олиб келиши мумкин бўлса, қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан Комиссияга ҳужжатларни тайёрлайди;

- Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари ва ихтисослашган даврий нашрлар орқали Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама қонунчиликларини бажарилиши бўйича кенг омма ўртасида тарғибот ишларини амалга оширишда қатнашади;

- Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ўз ваколатлари доирасида таклифлар ишлаб чиқади;

- Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бирлашмалар ҳамда кенг доирадаги оммага истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама қонунчиликларини қўлланиши бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

- Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, корхона, концерн ва бирлашмалар томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама қонунларига риоя этилишини тартибга солади, шунингдек, Назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши орқали тасдиқлаш учун, кейинги даврдаги текширишлар режасини тайёрлашда қатнашади.

- Товар ва молия бозорларида реклама қонунчилигини тартибга солиш, ҳалол рақобатни ҳимоя қилиш бўйича иш олиб боради.

- Реклама истеъмолчилари манфаатларини ҳимоя қилади.

- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирларини самараси юзасидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан ҳамкорликда ўрганишлар ўтказилади.

- Ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан ҳамкорликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама қонунчиликларини тадбиқ этиш соҳаларини аниқлаш.

- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бўйича чет эл тажрибасини ўрганиш.

- Истеъмол товарлари нархлари (асосий истеъмол товарлари нархлари) ва хизматларига тарифлар мониторингини ўтказилади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда нархларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига, бозорда сифатсиз истеъмол товарлари сотилиши ва хизматлар кўрсатилишига олиб келувчи инсофсиз рақобатнинг олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликлар талабларининг бузилишини тўхтатилиши ёки уларнинг оқибатларини бартараф этилиши юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар расмийлаштириш ва тақдим этиш.

- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш юзасидан тадбирлар (семинарлар, кўрик-танловлар, конференциялар) уюштириш.

Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2010-2012 йиллар давомида реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасида қуйидаги асосий ишлар амалга оширилди.

Вилоятда реклама фаолиятини тартибга солиш ва “Реклама тўғрисида”ги қонунни ижроси юзасидан ҳам бошқарма томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

2010 йилда «**Реклама тўғрисида**»ги қонун талабларига риоя қилиниши юзасидан 238 та мониторинг ва ўрганишлар ўтказилди, шундан 42 та ҳолатда камчиликлар аниқланди ва 33 та ҳолат бўйича иш қўзғатилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва кўрсатмалар берилган бўлса 2011 йилда бу курсаткич тегишли равишда 77; 55; 22 тани ташкил этди. 2012 йилда эса “**Реклама тўғрисида**”ги қонун талабларига риоя қилиниши юзасидан 46 та ўрганиш ва кўриклар ўтказилди, шундан 35 та ҳолатда камчиликлар аниқланди. Ўтказилган ўрганиш ва кўриклар натижаси бўйича 16 та ҳолат юзасидан иш қўзғатилиб, 16 та ҳолат бўйича тегишли қарор қабул қилиниб кўрсатма берилди (2.2.1-жадвал)

2010 йилдаги мониторингларда 23 та савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Жумладан, Наманган шаҳридаги “Найзангул”, “Афроосиёб Тожмаҳал”, “Элита компонент сервис” хусусий корхоналарига нисбатан иқтисодий жарима чоралари яъни энг кам иш ҳақининг 70 баравари миқдорида жарима қўлланилди, шунингдек

қонунбузарлик содир этилишига шароит яратган 20 нафар мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар ва уларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида жарималар белгиланди. 2011 йилда ўрганиш ва кўриқлар натижаси бўйича 22 та ҳолат юзасидан иш қўзғатилиб, 22 та ҳолат бўйича тегишли қарор қабул қилиниб кўрсатма берилди. Бундан ташқари 3 та ҳолатда реклама тўғрисидаги қонунчиликка риоя этмаслик натижасида (қонуннинг 29-моддасига асосан) “Наманган шаҳар Йўловчи ташиш давлат” УКга 1492.1 минг сўм ҳамда Наманган ҳудудий Электр тармоқлари корхонасига 497.3 минг сўм ҳамда Наманган шаҳар «Грант элит ўқув» МЧЖга 629.2 минг сўм ҳаммаси бўлиб **2618.6 минг сўм** миқдорида жаримага тортилди. 2012 йилда 2 та хўжалик юритувчи субъектга Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасига асосан нотўғри реклама берганлик учун жами 11639.9 минг сўм жарима чоралари қўлланилди. 5 та ҳолатда корхона ва ташкилотлар(хусусий тадбиркор)нинг мансабдор шахларига нисбатан **1667.4 минг сўм** миқдорида жарима қўлланди.

2.2.1-жадвал

Реклама тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар ва мониторинглар, аниқланган камчиликлар ҳамда қўзғатилган ишлар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ

	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Реклама соҳасида ўтказилган мониторинглар сони	41	30	238	77	43
Аниқланган камчиликлар	16	17	42	55	35
Қўзғатилган ишлар сони	5	12	33	22	16

Манба: Хусусийлаштириш , монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими томонидан амалга оширилган ишларни

таҳлил қилганда 2010-2012 йиллада мурожатлар билан ишлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилган.

2.2.2-жадвал

Истеъмолчилардан келиб тушган мурожатлар ва уларни ҳал этиш бўйича маълумот.

Кўрсаткичлар	2010 й	2011 й	2012 й
Аризалар сони	46	55	39
Савдо ва умумий овқатланиш	10	12	5
Коммунал хизмат	20	24	16
Алоқа хизматлари	1	4	5
Электр	5	6	5
Тиббий хизматлар	0	1	0
Транспорт хизмати	0	2	3
Маиший хизмат	3	1	1
Молиявий тусдаги масалалар	1	1	3
Уй жой масалалари бўйича	1	3	1
Бошқа масалалар бўйича	5	1	0
Ҳал этилгани	43	49	33
Ишонч телефони орқали мурожатлар	169	175	80

Манба: Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

2010 йил давомида истеъмолчилардан жами **46 та мурожаат** келиб тушди. Тушган аризаларнинг 20 таси коммунал, 10 таси савдо, 5 таси электр таъминоти, 1 таси алоқа хизмати, 3 таси маиший хизмат, 1 таси уй-жой масалалари, 1 таси молиявий тусдаги масалаларга ҳамда 5 таси бошқа масалаларга тўғри келган. Аризаларнинг 43 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган ҳамда 2 таси аризачиларнинг ўз хохишларига кўра аризаларни ижросиз қайтаришни (оқибатсиз қолдирилиши) сўралган бўлиб, уларни ижросиз қолдирилди. **Ишонч телефони** орқали 2010 йилда жами 169 та мурожаатлар тушган бўлиб, шундан 8 таси бўйича қўшимча ўрганиш ўтказилганда мурожаатлар ўз исботини топди ва истеъмолчи фойдасига ҳал этилди (иш қўзғатилди ва чоралар кўрилди) ҳамда 2 таси бўйича телефон орқали ўз ўрнида истеъмолчи фойдасига ҳал этилди, шунингдек қолган 159 таси бўйича тегишли тушунтиришлар берилган.

2011 йилда истеъмолчилардан **жами 230 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 55 таси ёзма равишда ва 175 таси ишонч телефони орқалидир. Келиб тушган жами 55 та мурожаатларнинг 24 таси коммунал, 12 таси савдо ва умумий овқатланиш, 6 таси электр таъминоти, 4 таси алоқа хизмати, 1 таси маиший хизмат, 1 таси тиббий хизмат, 2 таси транспорт хизмат, 3 таси уй-жой масалалари, 1 таси молиявий тусдаги масалалари ҳамда 1 таси бошқа масалаларга тўғри келди. Аризаларнинг 49 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди ва 3 таси аризачининг ўз хохишига кўра аризани ижросиз қолдирилишини (оқибатсиз қолдирилиши) сўралган бўлиб, ушбу аризани ижросиз қолдирилди. **Ишонч телефони орқали 2011 йилда** жами 175 та мурожаатлар тушган бўлиб, шундан 9 таси бўйича қўшимча ўрганиш ўтказилганда мурожаатлар ўз исботини топди ва истеъмолчи фойдасига ҳал этилди (иш қўзғатилди ва чоралар кўрилди) ҳамда 41 таси бўйича ўз ўрнида истеъмолчи фойдасига ҳал этилди, шунингдек қолган 125 таси бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

2012 йил истеъмолчилардан **225 та** мурожаатлар келиб тушган, шундан 45 таси ёзма равишда ва 180 таси ишонч телефони орқали. Келиб тушган жами 45 та мурожаатларнинг 26 таси коммунал, 5 таси савдо ва умумий овқатланиш, 1 таси кабель телевиденияси хизмати, 4 таси алоқа хизмати, 3 таси транспорт хизмати, 1 таси хизмат кўрсатиш, 3 таси молиявий тусдаги ва 2 таси бошқа турдаги масалаларга тўғри келди. Аризаларнинг 40 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди ҳамда 2 таси (шундан 1 таси судга мурожаат юзасидан) ҳудудий бошқарманинг ваколатига кирмаганлиги сабабли тегишли органларга хат орқали юборилган, 2 таси ўз исботини топмаган ва 1 та ариза юзасидан ҳозирда ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. **Ишонч телефони орқали** жами 180 та мурожаатлар тушган бўлиб, шундан 1 таси бўйича қўшимча ўрганиш ўтказилганда мурожаатлар ўз исботини топди ва истеъмолчи фойдасига ҳал этилди (иш қўзғатилди ва чоралар кўрилди). Бундан ташқари 21 таси бўйича белгиланган тартибда кўриб чиқилди (2304.6 минг сўм) ва истеъмолчи

фойдасига хал этилди, шунингдек қолган 158 таси бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

Амалга оширилган ишлар юзасидан акдим этилган аризалар якуни бўйича истеъмолчилар фойдасига жами 2012 йилда **43907,9 минг сўм**, 2011 йилда жами 19723.2 минг сўм , 2010 йилда эса 13640,5 минг сўм истеъмолчилар фойдасига маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. (2.2.3-жадвал)

2.2.3-жадвал

Бўлим томонидан истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб китоб қилинган
маблағларлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

(минг сўм)

Йиллар	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Маблағлар	16198,3	19723,2	43907,9

Манба: Хусусийлаштириш , монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

2.2.4-жадвал

Қўмитанинг истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликга риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар ва мониторинглар, аниқланган камчиликлар ҳамда қўзғатилган ишлар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ.

	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Ўтказилган ўрганишлар сони	295	278	80
Аниқланган камчиликлар	144	229	74
Қўзғатилган ишлар сони	72	41	37

Манба: Хусусийлаштириш , монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

Бошқарма томонидан 2010 йил давомида вилоятда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама қонунчилигини тарғибот ишлари юзасидан жами 276 марта, шундан 183 марта телевиденияда, 21 марта босма матбуотда ҳамда 76 марта радиоэшиттиришлар орқали чиқишлар қилинган бўлса бу курсаткич 2011 йилда мос равишда **336; 226; 96; 14** тани ташкил этди. 2012 йилда эса исҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги

қонунчилик тарғиботи бўйича жами 203 марта, шундан 94 марта телевидениеда, 94 марта радиоэшиттиришларда ва 15 марта босма матбуотда чиқишлар қилинди ва эълонлар берилди

2.3. Монополистик фаолият кўрсатувчи корхоналарни давлат реестрига олиш ва улар фаолиятини назорат қилиш жараёни.

Давлат иқтисодиётмизни тартибга солиш механизмларидан бири монополь корхоналар фаолиятини доимий назоратда бўлиб туришини тақоззо этади. Бу эса ўз навбатида ҳудудларда домий равишда бозорлардаги рақобат муҳитини таҳлил қилиб бориш, уни даражасини, тусини ва устун мавқейларини аниқлаб борилади. Бу ишлар Ўзбекистон Республикасида бу борадаги қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида устун мавқейга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилаш тўғрисида”ги низом⁹га кўра давлат реестрига бир бирини ўрнини босмайдиган муайян товарлар бозорида улуши эллик % ва ундан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектлар кириши белгилаб берилган.

Шунга кўра, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан, товарлар бозорини юқоридаги тартиб асосида, рақобат даражаси, туси ва бозордаги устун мавқени аниқлашнинг бир қатор тартиблари ишлаб чиқилган. Бунда муайян товар бозорида жами ўттиз беш ва ундан ортиқ фоиз улушга эга бўлган ўзаро рақобатлашаётган ёки рақобатлашиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклаб қўйган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган битимларини (келишиб қилинган ҳаракатларини) аниқлаш ва тўхтатиш; бозорларни монополиялашуви ва/ёки устун мавқени мустаҳкамлашга йўл қўймаслик; монополиядан чиқариш эҳтимоли ва соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида бозорларда таҳлиллар ўтказиб борилади.

⁹ ЎЗР АВ 27.05.2008 й. 1064-1-сон билан рўйхатга олинган
ЎЗР МЧРТҚҚДҚ Қарори таҳриридаги Низом.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг 2010 йил 9 августдаги 112и/ч-сонли буйруғига асосони “Товар бозорларида рақобат муҳитини ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича” услубий тавсиянома ишлаб чиқилган. Унга кўра Товар бозори ва ундаги рақобат ҳолатини таҳлил қилиш бир нечта босқичда амалга оширилади.

1 босқич. Бозорнинг чегарасини аниқлаш, бўлиб бунда қуйидагилар амалга оширилади:

- Таҳлил ўтказилаётган бозорнинг товар чегараларини аниқлаш
- Бозорнинг жуғрофик чегараларини аниқлаш.

2 босқич: Бозор субъектларини аниқлаш

3 босқич: Маълум товарлар ва жуғрофик чегаралардаги товар бозорларида ҳаракатланаётган хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган ахборотларни тўплаш

4 босқич: Хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор улушини ва бозор тузилмасини ҳисоблаш

5 босқич: Бозор тузилмасини сифат тавсифларини аниқлаш*

6 босқич: Олинган маълумотларнинг йиғиндиси ва улар бўйича хулосалар

1- Босқич. Бозорнинг чегарасини аниқлаш

Ушбу вазифа уч босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич – бир жинсли ёки истеъмол ҳоссаларига кўра бир-бирига яқин бўлган маҳсулотлар гуруҳларини аниқлаш;

иккинчи босқич – бир-бирини ўрнини босадиган, шу жумладан бошқа ҳудудларда ва тармоқларда, хорижда ишлаб чиқарилган ва кўрилаётган бозорда сотилаётган товарларни аниқлаш;

учинчи босқич - бир жинсли ёки истеъмол ҳоссаларига кўра бир-бирига яқин бўлган маҳсулотлар гуруҳларини рўйхатини тузиш.

Кейинги таҳлил ҳар бир бозор учун унинг жуғрофик ва товар чегаралари доирасида амалга оширилади.

1.1 босқич. Таҳлил ўтказилаётган бозорнинг товар (маҳсулот) чегараларини аниқлаш

Рақобат сиёсати мақсадларида товар бозорларининг аниқ чегарасини аниқлаш мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, кўпинча бозорининг товар чегарасини аниқлашнинг бошланғич нуқтаси сифатида товар бозорини функционал ва тармоқ белгилари бўйича таснифлаш имконини берувчи товар номенклатурасидан (масалан, ТИФ ТН ЎР) фойдаланилади.

Бозорнинг товар чегарасини аниқлаш учун биринчи навбатда товарларни бир-бирини ўрнини босишини баҳоланади.

1.2 босқич. бозорнинг жуғрофик чегараларини аниқлаш


Бозорнинг жуғрофик чегараси — товарни муомалада бўлиш соҳаси бўлиб, унинг чегарасида иқтисодий, техник ёки бошқа имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ёки истеъмолчи томондан сотиб олиш имконияти бўлган товарни бошқа жойда сотиб олиш имконияти бўлмайди.

Товар бозорларининг жуғрофик чегараларини аниқлашда маҳсулот ҳақиқатда етказиб бериладиган минтақалар ёки улгуржи ва чакана савдо жойлари ҳисобга олинishi керак. Бунда, ушбу кўрсатилган минтақаларда истеъмолчи томонидан сотиб олинадиган товар, яъни товар ишлаб чиқарилган жойдаги товар нархи билан уни бошқа ҳудудга етказиш бўйича қўшимча харажатлар ўртасидаги фарқ унчалик сезиларли бўлмаслигини назарда тутиш лозим.


Шундай қилиб, товар ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) ишлаётган бозор чегарасини белгилаш, қуйидаги ҳолатлар мумкин бўлади:

1. Етказиб берувчи битта маҳаллий бозорда фаолият кўрсатади ва шу ҳудуддаги бошқа бозорларга ушбу етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб берилмайди, бошқа маҳаллий бозорлардаги истеъмолчилар одатда ушбу маҳсулотни сотиб олмайдилар.

2. Етказиб берувчи бир нечта маҳаллий бозорларда фаолият кўрсатади, уларга ўз маҳсулотини етказди, истеъмолчи эса бошқа бозорда ушбу маҳсулотни сотиб олиш имкониятига эга эмас (ёки унга бу фойда келтирмайди).



3. Етказиб берувчи бир нечта маҳаллий бозорларда фаолият кўрсатади, истеъмолчилар эса ушбу маҳсулотларни қўшни ҳудуддаги маҳаллий бозорларда сотиб олиш имкониятига эгалар (бу улар учун унчалик қиммат эмас).



Кейинги таҳлил ҳар бир бозор учун унинг товар ва жуғрофик чегаралари бўйича навбатма-навбат амалга оширилади.

Бозорларни жуғрофик томондан чегаралаш мумкин бўлган яна битта белги бу товарнинг нархи. Агарда олиб кирилган товарнинг нархи ҳудудга келтириш билан боғлиқ транспорт ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳудудни ўзида ишлаб чиқарилган товарнинг нархидан унчалик фарқланмаса, у ҳолда ушбу минтақалар ягона жуғрофик бозор сифатида кўрилади.

Товар бозорининг жуғрофик чегараларини белгилаш мақсадида етарли маълумотларни тўплаш керак, жумладан, зарурат юзасидан сўров ўтказиш ва анкета тўлдириш йўли орқали. Ахборотларни манбалари бўлиб қуйидагилар бўлиши мумкин:

- товарни сотиб олувчилар, ўхшаш (бир-бирини ўрнини босадиган товарлар) товарларни сотиб олувчилар;

- товарни сотувчилар;

- ҳудди шу товарни бошқа минтақаларда сотувчилар;

- ўхшаш (бир-бирини ўрнини босадиган товарлар) товарларни сотувчилар;

- товарни ва ўхшаш (бир бирини ўрнини босувчи товарларни) улгуржи ва чакана сотувчилари;

- статистика органлари;

- стандартизация органлари;

- давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

- божхона органлари;

- бошқа манбалар.

2 босқич: Бозор субъектларини аниқлаш

Бозорни уни товар ва жуғрофик чегаралари бўйича белгилаб олингандан сўнг бозордаги рақобат ҳолатини таҳлил қилишнинг бозордаги хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш ҳисобланади.

Бозор субъектларини аниқлашни бир нечта манбалари мавжуд:

1. *Статистика органлар:* Статистика ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олувчи органлар сўровга асосан бозор субъектларининг дастлабки рўйхатини тақдим қиладилар.

2. *Божхона органлари:* Божхона органлари республика ҳудудига расмий ва норасмий равишда товар олиб келувчиларнинг ҳисобини олиб борадилар.

3. *Рақобатлашувчи корхоналар:* Бозор субъектларини аниқлашнинг самарали усулларида бири бу кўрилатган бозордаги рақиблари тўғрисида корхонанинг ўзидан сўраш ҳисобланади. Бунинг сабаби, айнан корхона нуқтаи

назаридан рақобатчилар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлинади. Бундан ташқари, устун мавқеини суиистеъмол қилган корхона ўз рақиблари тўғрисида тўлиқ маълумотларни беришга ҳаракат қиладилар.¹⁰

4. *Истеъмолчилар ва харидорлар ўртасида сўров ўтказиш:* Тушунарли сабабларга кўра кўрилаётган бозордаги истеъмолчилар (жумладан олиб-сотарлар) ўзларини етказиб берувчилари ва уларни ўрнини босувчилар тўғрисида маълумотга эга бўладилар.

5. *Бошқа манбалар,* жумладан матбуот, телевидение, радио, реклама, каталоглар ва бошқалар..

3 босқич: Ахборот тўплаш.

Таҳлил ўтказиш учун статистика ва божхона маълумотларидан, сўровлардан, анкеталаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларидан, шунингдек маълумотларнинг бошқа манбаларидан фойдаланилади.

1. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари 1 иловага мувофиқ сўров бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда товарни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг рўйхатини, ҳамда ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми, импорт ва экспорт ҳажмларини тақдим этадилар

2. Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари 2 иловага мувофиқ шаклда сўров олинган кундан эътиборат 5 иш кунидан кечикмаган ҳолда кўрсатилган товарни импорти ва экспорти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатини тақдим этадилар

3. Мулк шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар 3 иловага мувофиқ 10 иш кунидан кечикмаган ҳолда ишлаб чиқариш қувватлари, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари, асосий истеъмолчилари, импорт ва экспортнинг ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

¹⁰ Шунингдек, ушбу корхоналар кўрилаётган бозорга тааллуқли бўлмаган рақибларини сонини ошириб кўрсатишга ҳаракат қилишлари мумкин.

4 босқич. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор улушини ва бозор тузилмасини ҳисоблаш

Бозор тузилмасини барча эконометрик кўрсаткичлари (бозор концентрацияси) бозордаги хўжалик юритувчи субъектларни бозор улушини ҳисоблашга муҳтож бўлади. Бозор улушини ҳисоблаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг сотиш ҳажми ва бозорнинг умумий ҳажми асосида ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг бозор улуши товарни тегишли бозор чегарасида сотиш ҳажмини ушбу бозорнинг умумий ҳажмига фоиздаги нисбатини намоён қилади.

Бозор улушлари қуйидаги тартибда ҳисобланади:

1. Умумий сон ҳажми (натурал ва ёки қиймат кўринишида) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$V_t = V_i + V_n - V_x$$

бунда,

V_t – тегишли товар бозорининг ҳажми;

V_i – тегишли бозорда бозор иштирокчилари томонидан реализация қилинган товар ҳажми;

V_n – тегишли товар бозорига олиб кирилган ҳажм;

V_x – тегишли товар бозоридан ташқарига олиб чиқилган ҳажм.

2. Тегисли товар бозорининг ҳар бир иштирокчиси учун улар томонидан сотилган товар ҳажмини товар бозорининг умумий ҳажмига нисбати сифатида бозор улуши аниқланади ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$D_i = V_k / V_t * 100$$

Бунда,

V_k – аниқ иштирокчини тегишли товар бозоридаги реализацияси ҳажми.

Хўжалик юритувчи субъектни сотиш ҳажмини аниқлашда буюртмачининг ҳом-ашёсидан¹¹ тайёрланган маҳсулот чиқариб ташланган ҳолда ҳисобга олинади;

¹¹ Одатда, истеъмолчининг ҳом-ашёсидан тайёрланган маҳсулотга, шу ҳом-ашёнинг эгаси хўжайин бўлади. У ҳақ меорининг ишлаб чиқаришини ҳом-ашё билан таъминлайди, шунингдек мулк эгаси сифатида у сотиш билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликларга жавоб беради. Ҳом-ашёни ишлатувчи ишлаб чиқариш жараёнини моддий

Vt – товар бозорининг умумий ҳажми;

Di – ҳўжалик юритувчи субъектлар ёки субъектнинг улуши.

Агарда истеъмолчиларга сотилган маҳсулотларнинг ҳажмлари тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаса, унда ушбу кўрсаткичлар мос равишда - ҳўжалик юритувчи субъект томонидан тегишли товар бозорига етказиб берилган маҳсулотнинг ҳажми (бунда ишлаб чиқариш ҳажмининг кўрсаткичидан ортиқча, омборлардаги маҳсулот захиралари, ички истеъмолга мўлжалланган маҳсулотлар ва тегишли бозор чегарасидан ташқарида сотиш учун келтирилган маҳсулотлар (экспорт қилинадиган) чиқариб ташланади) ва тегишли бозорга етказиб берилган товарнинг ҳажмига кўра (яъни, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни бозорга етказиб берган товарлари, жумладан тегишли бозорга олиб кирилган товарнинг ҳажми) белгиланади.

Бозор улуши кўрсаткичини миқдорига уни аниқлаш (яъни, аниқ ҳўжалик юритувчи субъектга сотиладиган товар сонинг ўлчов бирлиги ва бозорнинг ҳажми) асоси бўлиб хизмат қиладиган кўрсаткичларни танлаш усули таъсир кўрсатади.

Кейинги ўлчов бирликларидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бозор улушларини ҳисоблашда фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ҳажмининг натурал кўриниши (дона, тонна, дал. м³ ва бошқалар);
- сотиш ҳажмининг қиймат кўриниши мос равишда (минг сўм, АҚШ долл.).

5 босқич: Бозор тузилмасининг сифат тавсифларини аниқлаш

Сон томондан ўлчовчи ҳисобланган бозор концентрацияси кўрсаткичлари товар бозорларини тузилмасини тавсифловчи ягона кўрсаткич ҳисобланмайди. Бозорга киришга ва бозордан чиқишга тўсқинлик қилувчи тўсиқлар бозор

таъминлаш, тайёр маҳсулотни сотишга жавобгар бўлмасдан фақат маҳсулотнинг сифатини яхшилашни ўйлайди. Шундай қилиб, хом-ашёни қайта ишлаб чиқарувчи буюрмачининг хом-ашёсидан тайёрланган товар бозорининг ҳажмини назорат қилмайди, шунинг учун ушбу ҳажм ишлаб чиқарувчининг бозор улуши ҳажмидан чиқариб ташланади ва хом-ашё эгасининг бозор улушига кўшилади. Баъзи бир истисно ҳолатларда сотиш ҳажми айнан қайта ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш ҳажмига киритилади.

тузилмасининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади ва реал ва потенциал рақобатнинг даражасини тавсифлайди. Масалан, сезиларли бозор улушига эга бўлган корхоналар агарда бозорга киришга тўсқинлик қилувчи тўсиқлар унчалик сезиларли бўлмаса ва рақобат ҳавфи мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу корхоналарнинг бозор улуши устун мавқега эга бўлиши шарт эмас. Бундай вазиятда, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларни оширилиши бозорга бошқа рақобатлашувчиларни осон жалб қилади ва оқибатда баъзи бир бозор улушларини пасайиши ва нархларни пасайишини келтириб чиқариши мумкин. Шундай қилиб, бозор концентрацияси кўрсаткичлари доимо ҳам товар бозоридаги рақобатнинг тусига ҳаққоний тасаввур бермайди. **Шунинг учун, бозорнинг ҳар бир тўлақон таҳлили бозорга кириш ва бозордан чиқишга тўсқинлик қилувчи тўсиқларнинг батафсил таърифини ўз ичига олиши керак.**

6 боқич: Олинган маълумотлар йиғиндиси ва улар бўйича хулосалар

Товар бозорларининг таҳлилинини ушбу босқичи олинган маълумотларни бирлаштириш ва улар бўйича хулоса беришни назарда тутди. Қуйида товар бозорларининг таҳлили натижалари бўйича тузилган маълумотномани намунавий мазмуни келтирилган*:

Тегишли товар бозорини аниқлаш:

Товар бозори (бозорни товар чегараси) ва уни асослаш.

Агарда бозорнинг товар чегараларини аниқлаш учун маълум чоралар кўрилган бўлса (сўровлар, нархни унчалик катта бўлмаган, лекин аҳамиятли ошишига тест ўтказиш), уларни таърифлаш ва натижаларини кўрсатиш.

Товар бозорининг жуғрофик чегаралари ва уларни асослаш. Агарда бозорнинг товар чегараларини аниқлаш учун маълум чоралар кўрилган бўлса (сўровлар, нархни унчалик катта бўлмаган, лекин аҳамиятли ошишига тест ўтказиш), уларни таърифлаш ва натижаларини кўрсатиш.

Бозор субъектлари:

Ушбу товар бозоридаги хўжалик юритувчи субъектларнинг сони ва уларнинг таҳлил қилиш мақсадлари учун фойдали бўлган асосий тавсифлари.

Товар бозорининг тузилмаси ва бозор улуши:

Товар бозори субъектларининг номи ва бозор улушлари (жадвал шаклида).

Бозорни аҳамиятга эга бўлган субъектларини номи, бозор улуши ва тавсифи (масалан, 35% ортиқ бозор улушига эга бўлганлар).

Устун мавқега эга бўлган (агарда мавжуд бўлса) корхонанинг номи, бозор улуши ва корхона тавсифи.

CRn индекси ва бозорнинг тузилмаси ва тури бўйича хулоса.

NNI индекси ва бозорнинг тузилмаси ва тури бўйича хулоса.

Товар бозорининг сифат тавсифлари:

Бозорга кириш ва бозордан чиқишга тўсқинлик қилувчи барча тўсиқларга таъриф бериш. Мавжуд тўсиқларни бартараф қилиш даражасига баҳо берилади. Потенциал рақобатчиларни бозорга кириши учун белгиланган вақтда бажариш, эҳтимоллик, етарли даража каби мезонлардан фойдаланиш керак.

Агарда қулай шароит бўлса ушбу товар бозорида рақобатлашишга тайёр бўлган, масалан ўрганилаётган товарни нарх ошганда хўжалик юритувчи субъектнинг (потенциал рақобатлашувчи) номи ва таърифи.

Бозор тузилмаси динамикаси таърифи, бозорнинг аҳамиятга эга бўлган субъектларини бозор улуши қай даражада барқарорлиги.

Рақобатнинг тавсифи: нарх, реклама, сифат, қўшимча хизматлар бўйича, сотиш шакли бўйича ва ҳ.к.

Товар бозорининг ривожланиш тенденцияси ва истиқболири аниқланади.

Наманган вилоятида товарлар бозорларининг ҳолати, устунлик мавқеини аниқлаш, устун мавқени эгаллаган хўжалик субъектларини рақобатни чеклайдиган ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини чеклайдиган ҳаракатларини олдини олиш мақсадида “ХМЧРР” Ўшмитасининг вилотя бошкармаси томонидан товар ва молия бозорларида ўрганишлар утказиш бўйича 2008-2012 йиллар давомида жамми 438 та товар (хизмат) бозорлари ўрганилди (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал

Рақобат муҳитини ривожлантириш ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик бўлими томонидан Наманган вилоятда ўрагилган товар (хизмат) бозорлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Ўрганилган товар бозорлари сони
2008 йил	83
2009 йил	89
2010 йил	91
2011 йил	92
2012 йил	83
Жаъми	438

Манба: ХМЧРР бошқармаси маълумоти.

Худудий бошқарма томонидан Товарлар бозорида аниқ маҳсулотлар бўйича ўтказилган таҳлиллар сони 201 йилда 92 та бўлиб, 2012 йилда бу кўрсаткич 83 тани ташкил этган. (2.3.2-жадвал).

2012 йилнинг 25 декабр ҳолатига устунлик мавқеига эга бўлган корхоналар сони 21 тани, маҳсулот ва хизматлар сони 22 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич 2008 йилда манаполист корхоналар сони 29 тани ташкил этиб, манапол маҳсулотлар 42 тани ташкил этган эди.

2.3.2-жадвал

Наманган вилоятида товарлар бозорини таҳлили бўйича

АХБОРОТИ

№	Йўналиш	Босқич	
		2011 й	2012 й
1	Товарлар бозорида аниқ маҳсулотлар бўйича ўтказилган таҳлиллар сони	92	83
	Таҳлилар натижаси бўйича:		
2	Давлат реестри таркибидаги корхоналар сони	6	1
	Давлат реестри таркибидаги йўналишлар сони	8	2
3	Давлат реестри таркибидан чиқарилган корхоналар сони	4	8
	Давлат реестри таркибидан чиқарилган йўналишлар сони	5	9
4	Реестр таркибидан чиқариш тўғрисидаги тушган аризалар сони	1	
	Шулардан:		
	- таркибдан чиқарилганлар	1	
	- таркибга киритилганлар		
	А) Корхона	1	
	Б) йўналиш	2	

Манба: ХМЧРР бошқармаси маълумоти .

2.3.3-жадвал

Наманган вилоятида монополист корхоналар ҳамда монопол маҳсулотлар сонини ўзгариш динамикаси тўғрисида маълумот

Йиллар	Монополист корхоналар сони	Монопол маҳсулотлар сони
2008 йил	29	42
2009 йил	28	31
2010 йил	26	29
2011 йил	28	31
2012 йил	21	22

Манба: ХМЧРР бошқармаси маълумоти

2005-2012 йиллар давомидаги тахлилиларда эса монополияга қарши сиёсатни олиб борилиши натижасида, вилоятда монополист корхоналар сони 63 тадан 21 тага ёки 66 фоизга, монопол маҳсулот ва хизматлар эса 175 тадан 22 тага ёки 87 фоизга қисқартиришга эришилди.

Рақобат муҳитини ривожлантириш ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик бўлими томонидан Наманган вилоятида монополист корхоналар давлат реестрига киритилган ва чиқарилган хўжалик юритувчи субъектларни 2008-2012 йиллардаги ҳолатини таҳлил қилганимизда жами давлат реестрига олинган корхоналар сони 7 тани ташкил этган бўлса, чиқарилганлари сони 17 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич вилоятда рақобат муҳитини шаклланаётганлигини асослаб беради. (2.3.4-жадвал)

2.3.4-жадвал

Рақобат муҳитини ривожлантириш ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик бўлими томонидан Наманган вилоятида монополист корхоналар давлат реестрига киритилган ва чиқарилган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Реестрга киритилганлар сони	Реестрдан чиқарилганлар сони
2008 йил		2
2009 йил	1	2
2010 йил		2
2011 йил	5	4
2012 йил	1	7
Жами	7	17

Манба: ХМЧРР бошқармаси маълумоти.

Агар монополист корхоналарни соҳалари бўйича таҳлил қилганимизда вилоятда амалга оширилган хизматлар бозорини ривожланишига бошқарманинг хиссаси юқорилигини кўрамиз. 2011 йилда монопол мавқеяга эга бўлган хизмат кўрсатиш корхоналарининг 8 тага, хизмат турлари эса 10 тага қисқартиришга эришилган (2.3.5-жадвал).

Наманган вилоятидаги монополист корхоналар ва уларнинг сохалари
тўғрисида
МАЪЛУМОТ

№	Корхоналар ва тармоқлар номи	Корхоналар сони			Йўналишлар сони		
		2011 й	2012 й	Фарқи	2011 й	2012 й	Фарқи
1	Бўғдой ва нон махсулотлари	1	1		1	1	
2	Савдо	1	2	1	1	1	
3	Қурилиш материаллари	1	1		1	1	
4	Хизматлар	24	16	-8	26	16	-10
5	Бошқа тармоқлар	1	1		2	3	1
	ЖАМИ	28	21	-7	31	22	-9

Манба: ХМЧРР бошқармаси маълумоти

III БОБ. Наманган вилоятида истеъмол товарлари бозорида рақобатни ривожлантириш йўналишлари.

3.1 Корхоналар рақобатбордошлиги кўрсаткичлари таҳлили ва уларни янада ошириш йўллари

Маркетинг рақобатни, бозор субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар)нинг бир хил мақсадга эришиш учун тадбиркорлик фаолияти жараёнидаги беллашуви-мусабақалашуви деб изоҳлайди. Маркетингда бундай мақсад, истеъмолчи-харидорлар эътиборини кўпроқ эгаллаш хисобига фойдани кўпайтиришдан иборат. Рақобат курашини мохияти рақибларга қарши курашиш эмас, аксинча уларнинг товарини сотиб олаётган ва хизматидан фойдаланаётган истеъмолчиларни фикри-хаёлини эгаллаш орқали ўзига қаратиб олиш. Аммо бунинг учун бозордаги рақиблар товарлари ва хизматларидан юқорироқ сифатга ҳамда маркетинг воситасига эга бўлиш талаб этилади. Шунинг учун фирма, ўзи фаолият кўрсатаётган бозордаги рақибларининг товар(хизмат)лари ва маркетинг воситаларини узлуксиз кузатиб таҳлил қилиб боришлари (3.1.1-жадвал) шарт.¹²

Жадвал 3.1.1

Бозорни таҳлил қилиш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Тавсифи
1.	Микдорий	Бозор ҳажми (сотиладиган товарлар-хизматлар), сотиш динамикаси, фирмалар улуши, бозор имкониятлари ва бошқалар
2.	Сифат	Эҳтиёжлар таркиби, сотиб олишга ундовчи белгилар, уларнинг динамикаси, сотиб олиш жараёни, эҳтиёжларнинг мутадиллаши, ахборотлашиш.
3.	Рақобат муҳити	Рақобатчи фирмаларни сотиш ҳажми, маркетинг стратегиялари, молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари.
4.	Харидорлар таркиби	Харидорлар сони, уларнинг турлари, динамикаси, регионлар бўйича хусусиятлари.
5.	Соҳа таркиби	Ўхшаш товарларни таклиф этаётган сотувчилар сони, уларнинг турлари, ишлаб чиқариши даражаси, қувватларини ишлаши, рақобатдаги имкониятлари.
6.	Товар тақсимооти	Географик тузилиши, катта аҳоли яшаш жайларидан узоқлиги, сотиш тармоқлари, транспортдан фойдаланиш.

¹² А.Солиев Маркетинг, Т:,2008 й

Бозорларда рақобат муҳитига таъсир қўйиш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади :

- Мақсадли ва янги бозорларда фаолият кўрсатаётган фирмалар рўйхатини аниқлаб олиш;
- **бошланғич ахборотларни тўплаш ;**
- танланган бозор типини аниқлаш (тўйиниши бўйича).
- бозор ҳолатини белгилловчи ҳисоблар тавсифи;
- фирмани бозор улушини таҳлил қилиш даврларини аниқлаш;
- рақобатнинг шидатини белгилловчи умумий кўрсаткичлар ҳисоби;
- бозорни монополлаштириш даражасини баҳолаш;
- рақобатчилар бозор улушлари динамикасини омилли таҳлили.
- бозордаги фирмаларни бозор улушлари бўйича гуруҳлаш ва ўртача кўрсаткични топиш;
- ҳар бир гуруҳ фирмаларини бозор улушини ўсиш даражасини аниқлаш;
- бозорни рақобат харитасини тузиш;
- фирмаларни бозордаги характерли стратегик ҳолатини аниқлаш;
- фирмани мазкур бозордаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг стратегияси истиқболини аниқлаш;

Фирманинг рақобатдаги устиворлиги, мақсадли бозорда унинг товарини сифат кўрсаткичлари, маркаси рақибиникига қараганда бир неча афзалликлари билан баҳоланади. Устиворлик кўрсаткичи бозорда ўз улушини мустақкам эгаллаган рақобатчи фирмани ҳолатига ёки бозор сегментига нисбатан ҳисобланади. Рақобатдаги устиворлик ташқи ва ички бўлиши мумкин. Фирма рақобатда ташқи устиворликка эришиш учун товарни сифат кўрсаткичлари бўйича афзаллиги, харажатларни камайтириш ва иқтисодий самарадорликни таъминлаш лозим. Бундай ҳолат фирмани бозордаги кучини кўпайтиради ва рақибларга нисбатан юқорироқ баҳода товари(хизмати)ни таклиф қилишга эришади.

Фирмалар ички рақобат устиворлигига эришиши учун ишлаб чиқаришга янгиликлар киритиб, товар(хизмат) таннаҳини рақибларниқидан пасайтиришлари лозим.

Фирманинг рақобатдаги устиворлигини аниқлашда, унинг кўрсаткичларини энг хавфли рақибиникига нисбатан таққослаш керак.

Бозорни диққатга сазоворлиги(ўзига тортувчанлик) кўрсаткичлари унинг динамикаси, рентабеллиги ва рақобатдаги фаоллик коэффицентлари билан ҳам аниқланади (жадвал 3.1.2-жадвал)¹³

3.1.2-Жадвал

Товар ва хизматлар бозоридаги рақобатни таҳлил қилиш кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Бел гил ари	Мазмуни
1. Рақобатнинг шиддатлилиги (интенсивлиги).	U_x	Бозорни ўсиш динамикаси бўлганда, $U_{тк}(1,4-T_m)*07$; агарда $T_m < 0,7$ бўлса, $U_{тк}1$ бўлади, бозорни рентабеллиги- U_r , рақобатчиларнинг бозор улушларини тақсимланиши- U_d омиллари билан аниқланади.
2. Рақобат шиддатлилигининг бозор рентабеллиги орқали ифодаланиши.	U_r	Бозорда талаб ва таклиф муофиқлигини билдиради. Агарда таклиф кам бўлса, талаб ошиши сабабли баҳо кўтарилиб рентабелликка ижобий таъсир этади, натижада рақиблар ҳаракати сусаяди.
3. Рақобат шиддатлилигининг бозор динамикасига боғлиқлиги.	U_t	Фирма имкониятларини рақиблар ғашига тегмасдан ушшини тасвирлайди.
4. Рақобат шиддатлилиги бозор улушлари тақсимланишига боғлиқлиги	U_d	Бозордаги улуши бир хил рақибларнинг таъсир кучини ифодалайди.
5. Рақобат шиддатлигини умумлаштирган кўрсаткич даври	U_c	Таҳлил қилинаётган бозорни умумий қизиқувчанлик мъёрини билдиради.
6. Бозор динамикаси	T_m	Ўрнатилаётган бозордаги йиллик ўсиш даражасини солиштирма баҳолардаги

¹³ А.Солиев Маркетинг, Т., 2008 й

		кўрсаткичи.
7. Бозор рентабеллиги	R_m	Ялпи фойдани унинг ялпи имкониятларига нисбати билан аниқланади.
8. Бозор хажми	V_m	Бозордаги барча фирмалар ялпи ресурслари ва уларнинг сотилиш хажми.
9. Фирманинг ресурслари хажми	V_b	Бозорда жойлашган фирмани ресурслари хажми.
10. Фирманинг рақобатчилари ресурси хажми.	V_c	Рақобатчи фирмаларнинг бозорда жойлаштирилган ресурслари.
11. Фирмалар сони	N	Бозорда жойлашган фирмалар.
12. Фирманинг бозор улуши	S	Мазкур фирма ресурслари ва товар айланиши хажмини бозордаги жами ресурслар (товар айланиш-сотилиши)га нисбатан, %
13. Ресурсларни ўртача арифметрик улуши	S_m	Бозорда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг хар бирига тўғри келадиган ўртача арифметрик ресурс хажми.
14. Фирма бозор улушини динамикалик кўрсаткичи	ΔS	Фирманинг бозор улуши динамикасини таҳлил қилинаётган даврда ўтган таянч даврга нисбатан ўзгариши.
15. Фирма бозор улушини ўсиш даражаси.	T_s	Таҳлил қилинаётган даврда фирма бозор улушини ўтган база-таянч даврга нисбатан ўсиши, %.
16. Бозор улушлари дисперсияси.	$\delta_1, \delta_2, \delta_t$	Бозорда кучли ва кучсиз позицияли фирмалар дисперсияси ва уларнинг ўсиш даражаси.
17. Фирма фойдаси	P_r	Бозорда фирмани таҳлил қилинаётган даврдаги ялпи фойдаси.

ХМЧРР ҳудудий бошқармаси томонидан амалга оширилган бозор субъектларининг улушини ўрганиш тажрибасини куриб чиқамиз.

Юмшоқ томёпқич материаллари (рубероид, изол, пергамин ва техпластина) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича таҳлил қилиниб
вилоятдаги “Ўзрубероид” МЧЖ ҳудудий бошқарманинг 2009 йил 25 майдаги

30-сонли буйруғига асосан монополист корхоналар давлат реестрига киритилган.

Бундан ташқари, вилоятда рубероид ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи 6 та (“Наманган рубероид” МЧЖ, “Зар” хусусий корхонаси, “Лизинг бонус” МЧЖ, “Бахт Ғулом қурилиш” МЧЖ, “Комолидин қурилиш дизайн” МЧЖ, “Маъсудахон файз обод савдо” МЧЖ) хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бўлиб, улардан 1 таси (“Наманган рубероид” МЧЖ) томонидан бугунги кунга қадар маҳсулот ишлаб чиқарилмаган.

Вилоятда 2010 йилда рубероид ишлаб чиқариш ва сотиш товар бозори ҳажми 2604,7 млн. сўмлик 3572,2 минг м² ни ташкил этиб, шундан “Ўзрубероид” МЧЖ улуши 2518,0 млн. сўмлик 3465,4 минг м² га ёки 96,7/97,0 фоизга, “Комолидин қурилиш дизайн” МЧЖ улуши 39,2 млн. сўмлик 49,8 минг м² га ёки 1,5/1,4 фоизга, “Зар” хусусий корхонаси улуши 47,5 млн. сўмлик 57,0 минг м² га ёки 1,8/1,6 фоизга тўғри келган.

2011 йилда мазкур товар бозори ҳажми 1774,9 млн. сўмлик 2002,5 минг м² ни ташкил этиб, шундан “Ўзрубероид” МЧЖ улуши 1610,8 млн. сўмлик 1813,4 минг м² га ёки 90,8/90,6 фоизга, “Комолидин қурилиш дизайн” МЧЖ улуши 44,4 млн. сўмлик 50,2 минг м² га ёки 2,5/2,5 фоизга, “Бахт Ғулом қурилиш” МЧЖнинг улуши 7,2 млн. сўмлик 7,7 минг м² га ёки 0,4/0,4 фоизга, “Лизинг бонус” МЧЖнинг улуши 30,0 млн. сўмлик 42,0 минг м² га ёки 1,7/2,1 фоизга, “Маъсудахон файз обод савдо” МЧЖнинг улуши 43,5 млн. сўмлик 42,3 минг м² га ёки 2,5/2,1 фоизга, “Зар” хусусий корхонаси улуши 39,1 млн. сўмлик 47,0 минг м² га ёки 2,2/2,3 фоизга тўғри келган.

2012 йилнинг 1-чораги давомида вилоятда фақат “Лизинг бонус” МЧЖ томонидан 30,5 млн. сўмлик 42,7 минг м² рубероид ишлаб чиқарилган ҳолос.(3.1.2-жадвал)

Изол маҳсулоти вилоятда фақат “Ўзрубероид” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилади. Жамият томонидан 2010 йилда 50,8 млн. сўмлик 39,5 минг м², 2011 йилда 76,8 млн. сўмлик 58,7 минг м², 2012 йилнинг 1-чорагида 16,4 млн. сўмлик 12,5 минг м² маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Пергамин маҳсулоти ҳам вилоятда фақат “Ўзрубериод” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилади. Жамият томонидан 2010 йилда 3,7 млн. сўмлик 8,0 минг м2 маҳсулот ишлаб чиқарилган, 2011 йил ҳамда 2012 йилнинг 1-чорагида маҳсулотга истеъмолчилар томонидан талаб йўқлиги сабабли ишлаб чиқарилмаган.

“Ўзрубериод” МЧЖ томонидан **техпластина** маҳсулоти эса 2010-2011 йиллар ҳамда 2012 йилнинг 1-чорагида умуман ишлаб чиқарилмаган. Техпластина маҳсулоти технологик режимга чиқиш даврида оз миқдорда ишлаб чиқарилиши мумкинлиги ва унинг миқдорини олдиндан режалаштиришни имкони йўқлиги ҳамда унинг ўрнини рубериод РКП-350 маҳсулоти тўлиқ боса олишини инобатга олиб бу маҳсулотни ишлаб чиқариш кўзда тутилмаган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, “Ўзрубериод” МЧЖнинг рубериод ва изол маҳсулотлари ишлаб чиқариб сотиш бўйича 2010-2011 йилларда вилоятда товар бозоридаги улуши 90,0-100,0 фоизни ташкил этиб, жамият мазкур товар бозорларида устун мавқега эга бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, “Ўзрубериод” МЧЖ томонидан пергамин маҳсулоти 2010 йилда кам миқдорда ишлаб чиқарилгани, 2011 йил ва 2012 йилнинг 1-чорагида ишлаб чиқарилмаганини, техпластина маҳсулоти эса 2010-2011 йиллар ва 2012 йилларда умуман ишлаб чиқарилмагани, келгусида ҳам бу маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши режалаштирилмаганлигини инобатга олиб, монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 13-банди (реестрдан чиқаришлар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади) “в”-қисмига (уни ишлаб чиқаргани ва сотгани учун хўжалик юритувчи субъект Реестрга киритилган маҳсулотни ишлаб чиқариши ва сотиши тўхтатилганда) асосан “Ўзрубериод” МЧЖни қисман яъни пергамин ва техпластина маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича монополист корхоналар давлат реестридан чиқарилишини таклиф қилинади.

**Наманган вилоятида 2010-2011 йиллар ва 2012 йилнинг 1-чорагида
рубероид, изол, пергамин маҳсулотлари ишлаб чиқариб сотиш бўйича
хужалик юритувчи субъектларнинг товар бозоридаги улушлари ҳақида
МАЪЛУМОТ**

№	Маҳсулот тури	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Наманган вилоятига сотилган маҳсулот ҳажми ва суммаси	Вилоят товар бозоридаги улуши (фоизда)	
1	2	3	4	5	6	
2010 йил						
1	Рубероид	Узрубериод МЧЖ	минг м2	3465,4	97,0	
			млн. сўм	2518,0	96,7	
2		Комолиддин курилиш дизайн МЧЖ	минг м2	49,8	1,4	
			млн. сўм	39,2	1,5	
3		Зар МЧЖ	минг м2	57,0	1,6	
			млн. сўм	47,5	1,8	
	Жами		минг м2	3572,2	100,0	
			млн. сўм	2604,7	100,0	
1	Изол	Узрубериод МЧЖ	минг м2	39,5	100,0	
			млн. сўм	50,8	100,0	
2	Пергамин		минг м2	8,0	100,0	
			млн. сўм	3,7	100,0	
2011 йил						
1	Рубероид	Узрубериод МЧЖ	минг м2	1813,4	90,6	
			млн. сўм	1610,8	90,8	
2		Комолиддин курилиш дизайн МЧЖ	минг м2	50,2	2,5	
			млн. сўм	44,4	2,5	
3		Вулум Бахт курилиш МЧЖ	минг м2	7,7	0,4	
			млн. сўм	7,2	0,4	
4		Лизинг Бонус МЧЖ	минг м2	42,0	2,1	
			млн. сўм	30,0	1,7	
5		Маъсудахон файз обод савдо МЧЖ	минг м2	42,3	2,1	
			млн. сўм	43,5	2,5	
6		Зар МЧЖ	минг м2	47,0	2,3	
			млн. сўм	39,1	2,2	
		Жами		минг м2	2002,5	100,0
				млн. сўм	1774,9	100,0

3.1.2-жадвал давоми					
1	3		4	5	6
1	Изол	Узрубериод МЧЖ	минг м2	58,7	100,0
			млн. сўм	76,8	100,0
2012 йилнинг 1-чораги					
1	Рубериод	Лизинг Бонус МЧЖ	минг м2	42,7	100,0
			млн. сўм	30,5	100,0
1	Изол	Узрубериод МЧЖ	минг м2	12,5	100,0
			млн. сўм	16,4	100,0

Манба: ХМЧРР бошқармаси маълумоти

Вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан 2012 йил 1-чорак иш режасига асосан “Задвижка” ишлаб чиқариш ва сотиш товар бозорида ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш вилоят статистика, божхона бошқармаларидан, хўжалик юритувчи субъектлардан ва бошқа вилоятлардан олинган маълумотлар асосида олиб борилди.

Ўрганишда қўйидагилар маълум бўлди.

Наманган вилоятида “Задвижка” ишлаб чиқариш билан шуғулланиш бўйича 3 та (“Наманганмаш” АЖ, “Наманганагромаш” АЖ ҳамда “Элтехтаъмир сервис” МЧЖлар) хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатдан ўтган. Ҳозирда ушбу маҳсулот фақат “Наманганмаш” АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётгани, “Наманганагромаш” АЖ ҳамда “Элтехтаъмир сервис” МЧЖ томонидан 2010-2011 йилларда маҳсулот ишлаб чиқарилмаганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, бошқа вилоятлардан олинган маълумотларда 2010-2011 йилларда Наманган вилоятига задвижка маҳсулотлари сотилмаганлиги маълум қилинган.

“Наманганмаш” АЖ томонидан тақдим қилинган маълумотда жамиятнинг ушбу маҳсулот бўйича рақобатчилари “Олмалик тоғ-металлургия комбинати”, “Навоий тоғ-металлургия комбинати” ҳамда Тошкент вилоятидаги “Uzvalve” чет эл корхонаси МЧЖ, асосий истеъмолчилари “Олмалик тоғ-металлургия комбинати”, “Навоий тоғ-металлургия комбинати”, “Ўзбекнефтегаз” МХК тизимидаги корхоналар, “Навоий азот” АЖ, “Бекободцемент” АЖлари эканлиги маълум қилинган.

Ўрганиш давомида “Олмалик тоғ-металлургия комбинати” ҳамда “Навоий тоғ-металлургия комбинати”лари томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилмасиги, фақат уларни таъмирланиши, Тошкент вилоятидаги “Uzvalve” чет эл корхонаси МЧЖ томонидан эса Наманган вилоятига маҳсулот сотилмаганлиги аниқланди.

2010 йилда “Наманганмаш” АЖ томонидан 41 турдаги 2368,7 млн. сўмлик 8003 дона задвижка ишлаб чиқарилиб, 2725,1 млн. сўмлик 8341 дона сотилган. Шундан, 6,0 млн. сўмлик 3 донаси экспорт қилинган, бошқа вилоятларга 2648,7 млн. сўмлик 8098 дона, Наманган вилоятига 70,4 млн. сўмлик 240 дона сотилган. Вилоят ҳудудига хориждан 0,6 млн. сўмлик 8 дона задвижка импорт қилиб олиб келинган.

2010 йилда вилоятда мазкур товар бозори ҳажми 71,0 млн. сўмлик 248 донани ташкил этиб, “Наманганмаш” АЖнинг товар бозоридаги улуши 99,1/96,8 фоизни ташкил этган.

2011 йилда “Наманганмаш” АЖ томонидан 31 турдаги 1661,2 млн. сўмлик 8455 дона задвижка ишлаб чиқарилиб, 34 турдаги 2076,2 млн. сўмлик 8448 дона сотилган. Шундан, 7,8 млн. сўмлик 4 донаси экспорт қилинган, бошқа вилоятларга 2045,2 млн. сўмлик 8306 дона, Наманган вилоятига 23,2 млн. сўмлик 138 дона сотилган. Вилоят ҳудудига хориждан 3,7 млн. сўмлик 2 дона задвижка импорт қилиб олиб келинган.

2011 йилда вилоятда мазкур товар бозори ҳажми 26,9 млн. сўмлик 140 донани ташкил этиб, “Наманганмаш” АЖнинг товар бозоридаги улуши 86,2/98,6 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги таҳлилларга асосан вилоятда “Наманганмаш” АЖ задвижка ишлаб чиқариш ва сотиш товар бозоридаги улуши 2 йил давомида 50 фоиздан ортиқни ташкил этиб барқарор бўлганлигини ҳисобга олиб, “Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ монополист корхоналар давлат реестрига киритилиши, шунингдек, товар бозори чегараси Республика ҳудуди бўлганлигини, Республика бўйича 1 та рақобатчи корхона мавжудлигини

инобатга олиб, кўмита томонидан Республика бўйича алоҳида ўрганиб чиқилишини таклиф этилаи.

2.2.4-жадвал

“Наманганмаш” ОАЖ нинг корхонасининг бозор улуши тахлили

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2010 йил		Бозор улуши	2011 йил		Бозор улуши
		И.ч	Сотилди		И.ч	Сотилди	
Задвишка	дона	8 455	8 448	99,1	8 003	8 341	86,2
	млн.сум	1661,23	2076,19	96,8	2368,7	2725,11	98,6

Манба: ХМЧРР вилоят ҳудудий бошқармаси маълумоти.

Вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан 2012 йил 1-чорак иш режасига асосан “Задвижка” ишлаб чиқариш ва сотиш товар бозорида ўрганиш ўтказилган.

Наманган вилоятида “Задвижка” ишлаб чиқариш билан шуғулланиш бўйича 3 та (“Наманганмаш” АЖ, “Наманганагромаш” АЖ ҳамда “Элтехтаъмир сервис” МЧЖлар) хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатдан ўтган. Ҳозирда ушбу маҳсулот фақат “Наманганмаш” АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётгани, “Наманганагромаш” АЖ ҳамда “Элтехтаъмир сервис” МЧЖ томонидан 2010-2011 йилларда маҳсулот ишлаб чиқарилмаганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, бошқа вилоятлардан олинган маълумотларда 2010-2011 йилларда Наманган вилоятига задвижка маҳсулотлари сотилмаганлиги маълум қилинган.

“Наманганмаш” АЖ томонидан тақдим қилинган маълумотда жамиятнинг ушбу маҳсулот бўйича рақобатчилари “Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати”, “Навоий тоғ-металлургия комбинати” ҳамда Тошкент вилоятидаги “Uzvalve” чет эл корхонаси МЧЖ, асосий истеъмолчилари “Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати”, “Навоий тоғ-металлургия комбинати”, “Ўзбекнефтегаз” МХК тизимидаги корхоналар, “Навоий азот” АЖ, “Бекободцемент” АЖлари эканлиги маълум қилинган.

Ўрганиш давомида “Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати” ҳамда “Навоий тоғ-металлургия комбинати”лари томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилмасиги, фақат уларни таъмирланиши, Тошкент вилоятидаги “Uzvalve” чет эл корхонаси МЧЖ томонидан эса Наманган вилоятига маҳсулот сотилмаганлиги аниқланган.

2010 йилда “Наманганмаш” АЖ томонидан 41 турдаги 2368,7 млн. сўмлик 8003 дона задвижка ишлаб чиқарилиб, 2725,1 млн. сўмлик 8341 дона сотилган. Шундан, 6,0 млн. сўмлик 3 донаси экспорт қилинган, бошқа вилоятларга 2648,7 млн. сўмлик 8098 дона, Наманган вилоятига 70,4 млн. сўмлик 240 дона сотилган. Вилоят ҳудудига хориждан 0,6 млн. сўмлик 8 дона задвижка импорт қилиб олиб келинган.

2010 йилда вилоятда мазкур товар бозори ҳажми 71,0 млн. сўмлик 248 донани ташкил этиб, “Наманганмаш” АЖнинг товар бозоридаги улуши 99,1/96,8 фоизни ташкил этган.

2011 йилда “Наманганмаш” АЖ томонидан 31 турдаги 1661,2 млн. сўмлик 8455 дона задвижка ишлаб чиқарилиб, 34 турдаги 2076,2 млн. сўмлик 8448 дона сотилган. Шундан, 7,8 млн. сўмлик 4 донаси экспорт қилинган, бошқа вилоятларга 2045,2 млн. сўмлик 8306 дона, Наманган вилоятига 23,2 млн. сўмлик 138 дона сотилган. Вилоят ҳудудига хориждан 3,7 млн. сўмлик 2 дона задвижка импорт қилиб олиб келинган.

2011 йилда вилоятда мазкур товар бозори ҳажми 26,9 млн. сўмлик 140 донани ташкил этиб, “Наманганмаш” АЖнинг товар бозоридаги улуши 86,2/98,6 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги таҳлилларга асосан вилоятда “Наманганмаш” АЖ задвижка ишлаб чиқариш ва сотиш товар бозоридаги улуши 2 йил давомида 50 фоиздан ортиқни ташкил этиб барқарор бўлганлигини ҳисобга олиб, “Рақобат тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ монополист корхоналар давлат реестрига киритилган.

Юқоридаги таҳлилар натижасида Наманган вилоятида қуйиги ҳолатларни мақсадли вазифалар амалга оширилмоқда:

- Инсофсиз рақобатни, инсофсиз рақобатчилар томонидан маҳсулотлар ва хизматлар бозорини монополлаштирилишига ҳамда товар бозори субъектларни рақобатга қарши ҳаракатларини бартараф этилмоқда;

- вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар нархларнинг ички бозорда асоссиз равишда сунъий оширилишининг олдини олинмоқда;

- монополияга қарши қонунчилик талаблари вилоятда самарали бажарилмоқда;

- қурилиши амалга оширилаёт;

- қурилиш материаллари, маҳсулотлар, ускуна, техника ва бошқалар бўйича ўтказиладиган танлов савдоларида ўрнатилиладиган сунъий нархларни ошиши каби ҳолатлар назоратга олинган;

- Танлов савдоларида қатнашчилар томонидан келишиб қилинган ҳаракатлари натижасида товар қийматини сунъий ошириб юборилишига йўл қўйилмаслигини таъминланмоқда.

Юқорида қўйилган масалалар ижроси юзасидан 2010- 2012 йилда бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2007-2012 йилларнинг ўзидаги монопол маҳсулот (хизмат)ларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 24 фоиздан 10.3 фоизгача пасайтиришга эришилди.

Наманган вилоятида **полипропилен қоп маҳсулоти бўйича бозор таҳлили ўтказилганда, Ўзбекистон Республикаси бўйича полипрен қоп маҳсулотлари** “Жахон савдо дури” МЧЖ, “Хушрўй Гулноз” хусусий корхонаси, "Муслим Текс" МЧЖ ва “Юлдузли олтин қоп”шўъба корхоналари томонидан ишлаб чиқарилади. Бозор таҳлилини ўтказилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланган:

3.1.5-жадвал

**Наманган вилоятида 2010- 2012 йилларда ишлаб чиқарилган ва сотилган полипропилен қоп маҳсулоти ҳажми ва
суммаси тўғрисида маълумот**

№	ХЮС номи	Ўлчов бирлиги	2010 йил			2011 йил			2012 йил		
			Ҳами ишлаб чиқарилган маҳсул от ҳажми ва суммаси	Ҳами сотилган маҳсулот ҳажми ва суммаси	Улуши	Ҳами ишлаб чиқарилган маҳсул от ҳажми ва суммаси	Ҳами сотилган маҳсулот ҳажми ва суммаси	Улуши	Ҳами ишлаб чиқарилган маҳсул от ҳажми ва суммаси	Ҳами сотилган маҳсулот ҳажми ва суммаси	Улуши
1	Жаҳон савдо дури МЧЖ	дона	68500	68500	5,7	1499656	1499656	64,1	474769	474769	37,0
		минг сўм	41375	41375	5,1	1114997	1114997	59,6	384167,3	384167,3	31,4
2	Хушрўй Гулноз хусусий корхонаси	дона	500000	500000	41,4	600000	600000	25,7	600000	600000	46,7
		минг сўм	450000	450000	55,4	540000	540000	28,9	654000	654000	53,4
3	"Муслим Текс" МЧЖ	дона	628100	628100	52,0	180548	180548	7,7	189000	189000	14,7
		минг сўм	308271	308271	38,0	124578	124578	6,7	151200	151200	12,3
4	Бошқа вилоятлар (Тошкент вилояти)	дона	12000	12000	1,0	57644	57644	2,5	19934	19934	1,6
		минг сўм	12200	12200	1,5	90869,2	90869,2	4,9	35481,2	35481,2	2,9
	Ҳами	дона	1208600	1208600	100	2337848	2337848	100	1283703	1283703	100
		минг сўм	811846	811846	100	1870444,2	1870444,2	100	1224848,5	1224848,5	100

Манба: ХМЧРР вилоят бошқармаси.

2010 йилда вилоятда мазкур хизмат бозоридаги ишлаб чиқариш ҳажми 1208600 дона 811846,0 минг сўмни ташкил этиб, шундан "Жахон савдо дури" МЧЖ томонидан 68500 дона 41375,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 5,7/5,1 фоизга тўғри келган. "Хушрўй Гулноз" хусусий корхонаси томонидан 500000 дона 450000,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 41,4/55,4 фоизга, "Муслим Текс" МЧЖ томонидан 628100 дона 308271,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 52,0/38,0 фоизга тўғри келган.

2011 йилда вилоятда мазкур хизмат бозоридаги ишлаб чиқариш ҳажми 2337848 дона 1870444,2 минг сўмни ташкил этиб, шундан "Жахон савдо дури" МЧЖ томонидан 1499656 дона 1114997,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 64,1/59,6 фоизга тўғри келган. "Хушрўй Гулноз" хусусий корхонаси томонидан 600000 дона 540000,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 25,7/28,9 фоизга, "Муслим Текс" МЧЖ томонидан 180548 дона 124578,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 7,7/6,7 фоизга тўғри келган.

2012 йил давомида эса вилоятда мазкур хизмат бозоридаги ишлаб чиқариш ҳажми 1283703 дона 1224848,5 минг сўмни ташкил этиб, шундан "Жахон савдо дури" МЧЖ томонидан 474769 дона 384167,3 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 37,0/31,4 фоизга тўғри келган. "Хушрўй Гулноз" хусусий корхонаси томонидан 600000 дона 654000,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 46,7/53,4 фоизга, "Муслим Текс" МЧЖ томонидан 189000 дона 151200,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, товар бозоридаги улуши 14,7/12,3 фоизга тўғри келган.

Таҳлил давомида мазкур хизмат бозоридаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар "Жахон савдо дури" МЧЖ ва "Муслим Текс" МЧЖлар

томонидан вилоят ҳудудига сотилганлиги, “Хушрўй Гулноз” хусусий корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот эса Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилояти ва Тошкент вилоятларига сотилган.

Вилоят ҳудудида полипропилен қопларни ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар бўйича рақобат муҳитини ривожланиш даражаси ва унга тўсиқ бўлаётган ҳолатлар мавжуд эмаслиги бундан ташқари Учқўрғон туманидаги “Юлдузли олтин қоп” шўъба корхонасига Хитой халқ республикасидан келтирилган қоп ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилиб ишга туширилиши кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб вилоятда полипропилен қопларни ишлаб чиқариб сотиш товар бозорида рақобат ривожланганлиги маълум бўлди.

3.2 Вилоят бозорларида рақобатнинг аҳволи ва уни ривожлантириш имкониятлари.

Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва босқичма-босқич рақобатбардошлигини ошириш стратегияси:

- рақобатбардошлигини шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- асосий устувор йўналишлар ва мақсадли кўрсаткичларни асослаш ҳамда нисбий рақобат афзалликлари ва захиралар салоҳиятидан оқилона фойдаланишга асосланади .

Наманган вилояти товарлар бозорини таҳлил қилганимизда 2010 йилда ишлаб чиқарилган халқ истеъмол товарлари ҳажми 441,8 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 651,6 млрд сўмни ташкил этган. Йиллар давомида чакана савдони юқори даражада ўсганлиги импорт товарларига бўлган талабни ошиб кетишига сабаб бўлган. 3.2.1-жадвал маълумотлари бизга вилоятимизда ишлаб истеъмол қилинаётган ноозик-овқат истеъмол товарларининг асосий қисми ҳам импорт товарлар хисобига қопланмоқда.

3.2.1-жадвалнинг тахлили Наманган вилоятида асосий истеъмол товарларининг кўплаб турдагиси ишлаб чиқарилади, бироқ уларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари юқори эмас.

3.2.1-жадвал

Наманган вилояти истеъмол товарлар бозорининг тахлили (2011-2011 йиллар)

№	Товар гуруҳлари	Улчов бирлиги	2011 йил			2010 йил		
			Ишлаб чиқариш	Сотилди	Импорт	Ишлаб чиқариш	Сотилди	Импорт
	Ҳамма товарлар	Млрд сўм	651,6	1695,9	1842,6	441,8	1296,9	850,1
	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Млрд сўм	387,9	672,9	786,6	270,7	485,3	719,7
	Нооziқ-овқат товарлари	Млрд сўм	237,5	1023,0	1056,0	162,2	811,5	130,4

Манба: Наманган вилояти статистика қўмитаси маълумоти

Вилоятимизнинг ривожлантириш ва рақобатбардошликни оширишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- вилоятнинг иқтисодиётини модернизациялашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш;

- вилоятнинг табиий - иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг рақобат афзалликларини ва имкониятлари орқали ҳисобга олиш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда вилоятга хос бўлган қонуний - ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини шакллантириш, иқтисодиётнинг барча даражаларда рақобатбардошликни кучайтириш.

Вилоят рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги мавжуд рақобат афзалликларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш (енгил ва озиқ-овқат саноати, ёқилғи-энергетика мажмуаси ва бошқалар);

-минерал хомашё базани ҳисобга олган ҳолда бир қатор янги саноат тармоқларини ташкил этиш (металлургия, цемент саноати ва бошқалар);

-бой табиий-иқтисодий захиралар, авваламбор қишлоқ хўжалиги хомашёларидан, маҳаллий қурилиш материалларидан, ўсиб бораётган демографик салоҳият ва меҳнат бозоридан самарали фойдаланиш (маҳаллийлашган ва меҳнат кучини кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш);

-кўшни минтақалар, шу жумладан хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятидан, шунингдек, маҳсулот ва хизматлар (транспорт, туристик, рекреацион ва бошқалар) экспортини сезиларли даражада ошириш учун вилоятнинг қулай транзит имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш;

-минтакавий истеъмол бозорини шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобига аҳоли учун ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини босқичма-босқич ошириш учун шарт-шароитлар яратиш (аҳоли даромадларининг жадал ўсиши, ижтимоий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ривожлантириш ва бошқалар);

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш (ер, сув, минерал-хомашё захиралари ва бошқалар);

-вилоятнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун рағбатлантиришнинг самарали механизм ва шакллари жорий этиш.

Наманган вилоятида рақобат муҳитини янада ривожлантириш масаласида аниқ мақсадли дастурлар доирасида “Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш” Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб

амалга оширилмоқда.

“Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш” Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг вилоятимиз бозорларида рақобат муҳитини янада ривожлантириш бўйича қуйидаги асосий вазифалар амалга оширилмоқда:

1. Товар бозорларининг ҳолати, устунлик мавқеини аниқлаш, устун мавқени эгаллаган хўжалик субъектларини рақобатни чеклайдиган ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини чеклайдиган ҳаракатларини олдини олиш мақсадида товар ва молия бозорларида ўрганиш ўтказиш.

2. Монополист корхоналарни номи, бозордаги улуши, маҳсулот ва хизматларнинг номи ва нархлари бўйича инвентаризация ўтказиш;

3. Монополист корхоналар давлат реестрига киритилган лекин монопол маҳсулот нархларини молия органидан декларация қилинмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тегишли чоралар кўриш;

4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг аризаларига кўра Иқтисодиёт ва Статистика бошқармаларидан олинган маълумотларга ҳамда ҳудудий бошқарма томонидан ўтказилган ўрганиш натижаларига асосланиб ҳамда кумита эксперт кенгашининг қароридан сўнг монополист корхоналар давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

5. Монопол корхоналар маҳсулотларини ва хизматлари ҳамда истеъмол товар нархларини асоссиз ошишига йўл қўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатиш ва ўрганишлар ўтказиш.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишларни монополияга оид қонунчиликка мос келиши юзасидан ўрганишлар ўтказиш.

7. Биржа савдоларига қўйилаётган маҳсулотларни ўртача нархларини аниқлаш ва уларни ўсиш сабаблари тўғрисида Қўмитага ойлик ахборот бериб бориш.

8. Монополист корхоналар томонидан юқори ликвидли маҳсулотларни

биржа савдоларига қўйилишини мунтазам равишда мониторингини олиб бориш.

9. Хўжалик юритувчи субъектларнинг 35 фоиз ёки ундан ортиқ акция ва улушларини сотиб олиш юзасидан тушган мурожаатларни ўрганиш ва хулосалар бериш.

10. Монополист корхоналарнинг молия органларидан ўтказилган янги декларация нархлари ва уларнинг ошиш сабаблари тўғрисида Қўмига ахборот дақдим этиб бориш.

11. Қолипли нон ва нон маҳсулотлари ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларини белгиланган вазнда ва нархларда сотилиши юзасидан мониторинглар ўтказиш.

12. Давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича тузилган комиссия таркибида иш олиб бориш.

13. Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташиш автомобиль транспорти бўйича очиқ тендерларда қатнашиш.

14. Маҳаллий товар бозорида устун мавқеъга эга бўлган монополист корхоналарда соҳа йўналиши бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини ташкил қилиш.

Юқорида қўйилган масалалар ижроси юзасидан 2010- 2012 йилда бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2007-2012 йилларнинг ўзидаги монопол маҳсулот (хизмат)ларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 24 фоиздан 10.3 фоизгача пасайтиришга эришилди.

Наманган вилоятида корхоналари рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётини модернизациялаш шароитида итисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Бу борада вилоятимизда корхоналаримиз рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда саноатни устувор ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги “2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва келгусида янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1590 сонли қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сонли қарори

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарор

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги 232-сонли қарори

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида” ги 246-сонли қарори

- Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754 сонли қарорлари.

Бу дастурларни бажарилиши вилоятимиз корхоналарини рақобатбардошлигини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодиётимизни янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги 232-сонли қарорини вилоятда бажарилишини таъминлаш ҳамда вилоят саноатининг салоҳиятини, биринчи навбатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалиги хом-ашёси ва минерал хом-ашёни саноат йўли билан чуқур қайта ишлаш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жорий этиш орқали янада ривожлантириш, шу асосда аҳолининг иш билан бандлигини ва даромадларини оширишга қаратилди. Бунда қуйидаги соҳаларни рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди:

- нефт-газ, автомобил, электротехника саноати ва темир йўллар учун материаллар, хом-ашё, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарнинг юқори технологияли, шу жумладан, маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- вилоятда тайёр ип-газлама, трикотаж матоси, тайёр тикув ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарини ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт имконияқтларини кўтариш;

- пиллани етиштириш ва дастлабки қайта ишлашдан бошлаб, замонавий ипак ва аралаш матолар, шунингдек тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига оладиган ипакчилик саноатини кенг ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, шу жумладан, мева-сабзавот ва гўшт, сут маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш, қорамоллар, қўй-эчкилар териси ва жунини қайта ишлаш;

- маҳаллий ҳом-ашё негизида қурилиш материаллари, шунингдек замонавий том-ёпқич ва пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш.

Белгиланган дастур доирасида яна бир масала иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар бўйича ишлаб чиқилган Молиявий соғломлаштириш Дастурлари доирасида 194 та корхонада қўшимча 306137 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб 6944,8 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиёти бажарилди. (3.1.2 - жадвал)

3.1.2 - жадвал

Наманган вилоятида иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар бўйича ишлаб чиқилган Молиявий соғломлаштириш Дастурлари тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Йиллар	Дастурга киритилган корхоналар сони			Ишлаб чиқариш хажми (млн. сўм)	Киритилган инвестиция (млн. сўм)	Яратилган ишчилар сони	Экспорт хажми (минг АҚШ доллари)
		Жами	Шундан					
			Ижобий натижа кузатилганлари					
			Сони	Фоизда				
6	2010 йил	40	35	87,5%	84129,7	14220,2	782	236
7	2011 йил	40	36	90,0%	100423,2	10144,3	531	0
8	2012 йил	114	106	93,0%	121584,1	87537,4	2411	6708,8
	Жами	194	177		306137	111901,9	3724	6944,8

Манба: ХМЧРР вилоят бошқармаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон қарорининг 2011-2015 йилларда саноатни устувор ривожлантириш дастурида эса Наманган вилоятининг саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий устувор вазифалари белгилаб берилган.

Дастурнинг асосий мақсади

- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал тадбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

- саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

Дастурга мувофиқ вилоят саноатини ривожлантириш мақсадида 2011-2015 йилларда жами 59 та лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, шундан 4 таси амалга оширишга тайёр бўлган лойиҳалар, 34 таси кўриб чиқиляётган янги инвестицион лойиҳалари ва 21 таси истиқболли инвестицион лойиҳалардир.

Бугунги кунга кадар жами 26 та лойиҳа амалга оширилиб, ушбу лойиҳаларга жами 6,7 млн доллар миқдорида маблағлар сарфланган ва 591 та янги иш ўринлари яратилган.

Дастур доирасида ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналиши бўйича жами режалаштирилган 13 та лойиҳадан 14 та лойиҳа амалга оширилган.

Жумладан, йирик лойиҳалардан Наманган шаҳрида “Наманган момик сочиқлари”, “Сав амур сервис”, “Заминметалсаноат” корхоналар лойиҳалари, Косонсой туманида “Уй меҳнати”, Наманган туманида “Водий ёғоч савдо”, “Зара текстиль”, “Ал Азиз Мафтунабону сервис”, Уйчи туманида “Муборак пюр силк” лойиҳалар бажарилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида белгиланган 11 та лойиҳадан 12 таси амалга оширилган.

Жумладан, йирик лойиҳалардан туманлар бўйича нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Наманган Азиз-нон” МЧЖ, Поп туманида сутни қайта ишлаш бўйича “Нуроний Зафар Жўраев” МЧЖ, Уйчи туманида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Агрофирма” МЧЖ, Уйчи туманида мева-сабзавотни қуритиш бўйича “Савдо ахил барқарор ривож” МЧЖ, Янгиқўрғон туманида вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Янгиқўрғон шароби”, нон ва нон маҳсулотлари бўйича “Гулширин ГБК” лойиҳалар амалга оширилган.

-жадвал

Наманган вилоятида барча дастурлар асосида мавжуд корхоналарни модернизация қилиш бўйича 2012-йилнинг январ-декабр ойларида амалга оширилган ишлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Шаҳар ва туманлар номи	Дастур бўйича жами лойиҳалар	шундан, йўналишлар бўйича бажарилганлари		Жами лойиҳалар		шундан, молиялаштириш манбалари бўйича		
			ноозиқ-овқат маҳсулотлари	озиқ-овқат маҳсулотлари	Режа	Амалда	ўз маблағлари (млн.сўм)	ҳорижий инвестиция (минг долл.)	банк кредитлари (млн.сўм)
Вилоят бўйича		64	54	10	15606,0	30892,4	6912,3	5480,0	1208
1	Наманган ш.	31	27	4	10289,2	14819,2	3112,1		508
2	Мингбулоқ	1	1		125,0	125,0	25,0		22
3	Косонсой	3	3		500,0	638,0	178,0		50
4	Наманган	3	1	2	1840,8	624,2	134,2		18
5	Норин	2	2		493,0	493,0	123,0		50
6	Поп	3	3		1150,0	1290,0	170,0		100
7	Тўрақўрғон	6	5	1	270,0	1493,0	463,0	4800,0	147
8	Уйчи	9	8	1	743,0	10674,0	2246,0	550,0	171
9	Учқўрғон	1	1		25,0	30,0	5,0		20
10	Чортоқ	1		1		216,0	216,0	130,0	15
11	Чуст	1	1			200,0	50,0		37
12	Янгиқўрғон	3	2	1	170,0	290,0	190,0		70

Манба: Наманган вилоят ҳокимлиги маълумоти

Хулоса ва таклифлар.

Наманган вилоятида монополияларнинг устунлиги ҳамда монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, корхоналарнинг ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, умуман вилоят иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишни рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон ҳал этилмай қолмоқда.

Вилоятимизда монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик, рақобат муҳитини янада ривожлантириш, товарлар бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорини ва реклама соҳасини знада ривожлантириш, истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини знада яхшилаш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳозирда бошқарма томонидан барча истеъмол товарлари бўйича аниқ товарлар бозорини ўрганиш ва ҳар бир маҳсулотлар тури бўйича бозор улушини аниқлашнинг мукамал тизими жорий этилмаган. Ҳозирда бошқарма томонидан фақатгина монополист корхоналарнинг товарлари ва хизматлари улушини ўрганиш билан чекланиб қолмоқда.
- Бошқарма томонидан вилоятимиздаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг реклама фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ. Ҳозирда бошқарма томонидан реклама тўғрисидаги қонун бузилишларини олдини олиш бўйича фақат ўрганишлар олиб борилмоқда.
- Бошқарманинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнларидаги фаолияти асосан вилоятимизда савдо маданиятини шакллантириш йўналишларига қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Чунки чакана савдо маданиятини ошиб боришининг ўзи истеъмолчиларнинг бу борадаги ҳуқуқий билимлари ва чакана савдо корхоналарининг ривожланишидаги асосий омил вазифасини ўтайди.

- Иқтисодий ночов корхоналарни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар асо сан иқтисодий ночов корхоналарнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишларида ишлаб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Қабул қилинаётган дастурлар корхоналарни ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга қаратилмоқда. Иқтисодий ночор корхоналарнинг бозор фаолиятларини ўрганиш ва аниқ маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш лозим.
- Бошқарма истеъмол товарлари бозори билан бирга молия бозирини тартибга солиш, кичик корхоналарни экспорт ва импорт амалиётларидаги валюта конвертацияси масалаларига ҳам ёрдам бериши керак.

Наманган вилояти товарлар бозорини ривожлантиришда бошқарма томонидан юқоридаги тавсияларни амалга оширилиши Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва рақобат мухитини шакллантиришда муҳим омил бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Истеъмомчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996-йил 26 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996 йил, 5-6 сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қоннуни. Халқ сўзи. 2012 йил 7 январ. №5-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон.
5. Закон Республики Узбекистан. «О банкротстве». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2011 г., № 40
6. И.А.Каримов. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2013 йил. 20 январ сони.
7. И.А.Каримов. Конституциямиз қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи газетаси.
8. И.А.Каримов “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устивор йўналшларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.UzA.uz.
9. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010 йил 14 б
10. Каримов И.А. «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади», Халқ сўзи. 2012 йил 20 январ.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 50-сон, 472-модда; 2011 й., 50-сон, 512-модда)

12. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. 2010 й. www.Oz.a.uz.

13. И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислох этишдир. Т,; Ўзбекистон, 2005, 76 б.

14. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. www.gov.uz

15. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Тошкент. «Ўзбекистон». 7-том. 1999. 393 -б.

16. И.А.Каримов. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги «2011 йил якунлари ва 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисида»ги маърузаси. Халқ сўзи. 2012 й. 20 январ 14 сон.

17. И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислох этишдир. Т,; “Ўзбекистон”, 2005

18. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Тошкент. «Ўзбекистон». 7-том. 1999.

19. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўз.М.Эн”. Т. 2006. 6, 7, 8 том.

20. А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Т. “Шарқ”. 2006 й.

21. М.Расулов. Иқтисодиёт назарияси. Т,; “Ўзбекистон”. 1999 й.

22. А.Ўлмасов. М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. Т,; “Мехнат”. 1995 й

23. А.Солиев. Маркетинг. Т.; “Ўқитувчи”. 1997 й.
24. А.Солиев Маркетинг.Т. “Арт-флекс”.2008 й
25. М.Портер. Конкуренция. Издателский дом “Вильямс” М.Санк Петербург. 2005 й.
26. Рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришда инновацияларнинг роли. НаМИИ. Республика илмий – амалий анжумани материаллари тўплами. Наманган. 2010 й.
27. А.Раззақов. Ш.Тошматов. Иқтисодий талимотлар тарихи.Т.”Молия”. 2002й.
28. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В., Хажиев Б.Д. Иқтисодиёт назарияси-2: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009
29. М.Искандарова. Иқтисодиёт назарияси фанидан маърузалар матни. Урганч. 2006.
30. Д.Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. Т. “Иқтисод молия” 2005 й.
31. А.Ўлмасов. Иқтисодиёт асослари. Касб – ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т. “Ғофир Ғулом номидаги матба ва нашриёт уйи”. 2010 й.

Электрон нашрлар.

1. www.parliament.gov.uz.
2. www.ziyonet.uz/
3. http://antimon.uz/poleznye_ssylni
4. <http://www.lex.uz/Pages/>
5. <http://www.idbirja.uz>
6. www.potrebitel.uz
7. www.gazetabirja.uz
8. www.senat.gov.uz/uz/
9. www.scrs.uz/z10-uz-kir

10. www.pravo.uz/pravouz/get_data.php3
11. www.soliq.uz/docs/koord-009.pdf
12. www.pdfactory.com
13. www.huquqburch.uz/uz/view/
14. www.cbu.uz/uz/press.php